



MILLIY TIKLANISH

52 (217) ● 2012 йил 26 декабрь, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz Тахририят — www.milliytiklanish.uz

2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган



«МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ҒОЯСИНИНГ ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТЧИСИ» танловининг Республика босқичи ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини аҳоли орасида тарғиб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.



ТАДБИРДА партия «Ёшлар қаноти» томонидан жойларда ўтказилган тадбирлар, семинарларнинг аҳамияти, сифати, мавжуд камчиликларни бартараф этишнинг самарали механизмлари, ютуқлари муҳокама этилди.



ЎзМТДП «Ёшлар қаноти» томонидан аънавий тарзда ташкил этилаётган «Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида» кўриктанлови ёшлар учун ибрат мактаби бўлмоқда.

3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ

4 ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

● **ХАБАРЛАР**

Вазифалар белгилаб олинди

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2013 йилги устувор вазифаларига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Анжуманда таъкидланганидек, 2013 — Обод турмуш йилида мўлжалланган ишлар кўлами янада кенгайди. Соғлиқни сақлаш тизимига қарашли жами 143 та объектада қурилиш ва реконструкция ишлари олиб борилади. Шулардан 42 тасида янги қурилиш ва 101 тасида реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган. Шунингдек, анжуманда 2012 йил Инвестиция дастури доирасида амалга оширилган бошқа ишлар хусусида ҳам сўз борди. Оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган саволларига жавоблар олишди.

Дўстлик тароналари

Тошкент фотосуратлар уйида Ўзбекистон-Япония дипломатик алоқалари ўрнатилганлигига 20 йил тўлиши муносабати билан дўстлик концерти ўтказилди.

Тадбирда юртимиз олий ўқув юртлири талабалари, ўқитувчилар, муסיқашунослар, рассомлар, санъатшунослар, шахар жамоатчилиги ва ОАВ вакиллари иштирок этишди. Халқаро маданият карвонсаройи қошида ташкил этилган «Буюк ипак йўли наволари» классик муסיқа тўғараги ҳаваскорларининг чиқишлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Тақдим этилган дастур бўйича умуминсоний кадрлар тараннум этилган кўшиқлар ўзбек, рус, италян, франсуз ва инглиз тилларида янгради. Айрим классик асарлар ўзбек муסיқа асбобларида ҳам ижро этилди.

Туркменистонлик рассомлар кўргазмаси

Пойтахтимизда туркменистонлик машҳур рассомларнинг ижод намуналаридан ташкил топган кўргазма очилди.

Бу туркман рассомларининг жавоб кўргазмасидир. 2011 йили ўзбек рассомлари ижодида бағишланган шундай кўргазма Туркменистон пойтахти Ашхободда ташкил қилинган эди. Экспозицияга кўйилган асарларда туркман халқининг бугуни, миллий ва маданий қадриятларининг турли қирралари ўз аксини топган. Кўргазма очилишида қатнашган рангтасвирчи рассом Иброҳим Валихўжаевнинг фикрича, туркман рассомларнинг асарларида она-юрт, аънава ва урф-одатларга муҳаббатни, миллий характери кўриш мумкин.

● **ЎЗБЕКISTON — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА**



Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан хурсандман

Мамлакатимизда Янги йил байрамини кўтаринки руҳда ўтказиш учун қизгин тайёргарлик кўрилмақда. Кўчалар, майдонлар, хиёбонлар байрамона безатилмоқда. Янги йилни мамлакатимизда кутиб олиш истагида келган хорижлик меҳмонлар ҳам кўп. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги - УзА мухбири улардан айримларининг байрам олди таассуротлари билан қизиқди.

— Аввало, Президент Ислам Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон иқтисодиёти жадал ривожланаётганини алоҳида таъкидламоқчиман. Мамлакатингиз улкан салоҳиятга эга ва шу боис дунёнинг кўплаб давлатлари Ўзбекистон билан ҳамкорликни кенгайтиришга интилмақда, - дейди ирландиялик Давин Мёрфи. — Касбим меъмор. Бунёдкорлик ишлари изчил олиб борилаётган мамлакатингизга хизмат сафари юзасидан кўп бор келганман. Ўзбекистонлик дўстларим билан бир неча бор Янги йил айёмини кутиб олганмиз. Мустақиллик майдонида бунёд этилган «Эртақлар шаҳарчаси» менда унутилмас таассурот қолдирди. Бу ерда намойиш этиладиган байрам томошалари нафақат кичкинтойларга, балки катталарга ҳам манзур бўлиши шубҳасиз.

— Ўзбекистонга дўстимнинг тавсияси билан келдим. У менга мамлакатингизга қилган ажойиб ва унутилмас саёҳати ҳақида сўзлаб берган эди, - дейди япониялик Асэми Маэда хоним. — Тошкентга келишим билан пойтахтининг ҳар гўшасида байрамона шукуҳ кезиб юрганига гувоҳ бўлдим. Меҳмонхоналарда, супермаркетлар, кўчалар ва майдонларда байрам нафаси уфуриб турибди. Безатилган арчалар, бозор расталаридаги турфа ўйинчоқлар ва совғалар киши кўзини қувонтиради.

Саёҳатим давомида Самарқанд, Бухоро каби дунёга машҳур қадимий шаҳарларни кўриш истагиданман. Ўзбекистонга саёҳатимдан эсдалик сифатида миллий ҳайкалчаларни харид қилдим. Усталарингизнинг яратган бундай нафис ва бетакорр хунармандлик буюмлари оилам учун ажойиб совға бўлишига ишонаман.

2-бет

● **2013 ЙИЛ — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»**

Зиммамизга катта масъулият юклайди

Обод ҳаёт деган тушунча азал-азалдан халқимизнинг онгу тафаккурида аваламбор фаровонлик, тўқинчилик, мўл-кўлчилик, қут-барақа, бозорларда арзончилик маъносини ўзида мужжасам этиб келади. Шунинг учун ҳам бугунги кунда халқ фаровонлиги тушунчаси Ватан равнақи ва юрт тинчлиги деган, биз учун энг азиз ва муқаддас бўлган қадриятлар билан биргаликда миллий ғоямизнинг асосий мазмун-моҳиятини ташкил этмоқда.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан



«Мустаҳкам оила йили» деб ном олган 2012 йил ҳам тарих саҳифасидан жой олмоқда. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 2013 йил «Обод турмуш йили» деб эълон қилинди. Ана шундай шукуҳли дамларда ўтаётган йилдаги фаолиятимизни сарҳисоб қилиш, истиқбол

режаларни белгилаш яхши аънавага айланган. Шу нуқтаи назардан бир гуруҳ партиядошларимиз ҳам янги йил бусағасида ўз фикр-мулоҳазаларини изҳор қилишди.

2-бет

● **ПАРТИЯ ЛОЙИХАСИ**

“Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси”

ТАНЛОВИНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСҚИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси сайловолди Платформасида партия миллий тикланиш ғоясини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онига синдириш, ушбу ғоя асосида халқни Ватан тараққиётига, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга қаратилган яратувчилик ва ижодкорлик фаолиятига сафарбар этишни ўзининг асосий мақсади, деб билади дея таъкидланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда ЎзМТДПнинг турли лойиҳалари муҳим аҳамият касб этмоқда. Хусусан, “Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси” танлови ҳам партия ғоя ва мафкурасини тарғиб қилувчи энг ёрқин лойиҳалардан биридир.



3-бет

● **ҲУҚУҚ ВА БУРЧ**

Инсон ҳуқуқларига оғишмай амал қилиш ва демократия каби умумбашарий қадриятлар Ўзбекистон давлатчилиги манфаатларига, халқининг ўзига хослиги, унинг аънава ва урф-одатларига тўла мос келади. Инсон ҳуқуқлари жамиятимизда Конституция ва қонунлар билангина эмас, балки халқ онги, унинг маънавий-ахлоқий дунёқарашини билан мустаҳкамланади.

Миллий қадриятлар тажассуми

Ўзбекистон Конституцияси халқимизнинг маънавий, маданий мерос, миллий тафаккур, қадриятлар ва кўп асрлик ўзбек давлатчилиги тажрибаси ҳамда ҳуқуқий аънаваларига асосланган ва уларнинг бой ижобий тажрибасини ўзида акс эттиради.

6-бет


“Milliy tiklanish” газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158



СИЁСАТ

● **ЎЗБЕКИСТОН — ХОРИЖЛИКЛАР НИГОҲИДА**



Янги йилни Ўзбекистонда кутиб олаётганимдан хурсандман

(Давоми. Боши 1-бетда)

— Мен дунёнинг кўп лаб мамлакатларида бўлганман. Шунинг билан таъкидлашни истардимки, бугун Ўзбекистонни дунёнинг барча минтақаларида яхши билишди, дейди буюк британиялик Питер Аддерли. — Бу ўринда фақат ўзбек заманининг гузаллиги ва саховатинигина эмас, балки Президент Ислам Каримов раҳнамлигида мамлакатингизда изчилик билан амалга оширилаётган ислохотлар бераётган юксак самараларни ҳам назарда тутмоқдам. Мисол учун, мамлакатингизда сайёҳлик инф-

ратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш борасида кенг қўллаш ишлар олиб бораётгани. Буни юртингиздаги бунёд этилган кўплаб замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистонда Янги йил айёми арафасида болалар учун турли томошалар, байрам кечалари ўтказилиб, уларга Ўзбекистон Республикаси Президенти совгалари топширилиши эшитиб фот қувондим. Бу каби хайрли тадбирлар кичкинтойлар қалбини олам-олам қувонгга тўлдирди шубҳасиз. — 2013 йилни эртақмонанд дийрингизда кутиб олишдан бахтиёрман, дейди италиялик

сайёҳ Стефано Капорали. — Одамларингизнинг кўнгли очик, миллий қадриятларингиз гоё ажайиб ва жуда бой экан. Мамлакатингиздаги ноб обидалар, халқ амалий санъати дурдоналари катта хайрат ва ҳавас билан томоша қилмоқдам. Байрам кунлари чет эллик меҳмонларнинг мароқли ҳордиқ чикариши учун юртингизда барча шароит муҳайё. Бу заминда ҳар бир байрам қизиқarli ўтишига ишонаман. Ўзбекистонликларни яқинлаштириш келаётган Янги йил айёми билан чин юракдан қутлайман.

ЎЗА мухбири
Мадина УМАРОВА
ёзиб олди.

● **2013 ЙИЛ — «ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ»**

Зиммамизга катта масъулият юклайди

(Давоми. Боши 1-бетда)



— Мустақил тараққиётимизнинг ўтган даврида юртимизда миллий қадрият, урф-одат ва анъаналаримизни қайта тиклаш, баркамол авлодни воёга етказиш йўналишида кенг қамровли ислохотлар амалга оширилди ва бугунги кунда ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Жорий «Мустақкам оила йили» да мамлакатимизда амалга оширилаётган халқ фаровонлиги, юрт тинчлиги, оилалар мустақамлиги ва баркамол авлодни тарбиялашдек эзгу мақсадлар илчил давом эттирилди. Юртимизда кечаётган демократик ўзгаришлар жараёнида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демок-

Шавкат БОЛТАЕВ,
ЎзМТДП фракцияси аъзоси:

ратик партиясининг барча даражадаги депутатлари, хусусан, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам фаол иштирок этишга интилоқда. Урни келганда айтиш жоизки, жорий «Мустақкам оила йили» ЎзМТДП фракцияси учун самарали бўлди. Хусусан, фракцияимизнинг бир гуруҳ аъзолари томонидан «Сайлов эркинлигининг бундан бунён ҳам таъминланиши ва сайловга оид қонун ҳужжатларининг ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларида ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тайёрланди ва қабул қилинишига эришилди. Дарҳақиқат, Концепцияда илгари сурилган гоё, тақлиф ва қонунчилик ташаббусларининг амалга оширилаётгани мустақиллигимизни мустақамлаш, юртимизда сайлов эркинлиги принципларини ва соҳага оид қонунчиликни такомиллаштириш, мамлакатимизни тараққий этган давлатлар қаторига олиб чиқиш,

шунингдек, ЎзМТДП сайловолди Платформасида илгари сурилган жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда ҳуқуқий асос бўлиши шубҳасиз. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги «Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш — бизнинг бош мақсадимиздир» деб номланган маърузасида яқунлаётган 2012 йилда мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларда улкан ўзгаришлар, муваффақиятлар қўлга киритилгани таъкидланди. Айниқса, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида эришаётган ютуқларимиз замирида Бош Қомиссимизда кўзда тутилган тамойиллар мужассам эканлиги алоҳида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: «Ўзбекистонимизнинг мустақил тараққиёт йилларида эришган барча ютуқ ва марралари, унинг улкан суръатлар билан ўсиши, аввало, Конституцияимиз-

нинг ҳаётбахш қудрати ва солоҳиятини, унда мужассам бўлган принциплар, қоида ва нормаларнинг нақадар чуқур ўйлангани, ҳар томонлама мустақкам асосга эга эканини яққол намоён этди». Айниқса, Президентимиз таъкидлаганича 2013 йил — «Обод турмуш йили» деб номлангани замирида жуда катта мазмун ва моҳият мужассам. Айтиш жоизки, янги йилнинг мақсад-муддolari Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси гоёларига тўла мос келади. Партиянинг сайловолди Платформасида Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлигини таъминлашга қўмаклашиш гоёси илгари сурилган. Обод турмуш деганда ҳаётимизни янада соғлом ва обод қилишни кўз олдимизга келтирамиз. Шу нукта назардан «Обод турмуш йили» да зиммамизга алоҳида масъулият юкланади. Яъни бу борадаги қонун ижодкорлиги ва йил дастурини ишлаб чиқишда фаоллик кўрсатишимиз талаб этилади. 2013 йилда барча соҳаларда амалга ошираётган эзгу ишларимиз қўламини янада кенгайтириш шубҳасиз.

Анвар МИРЗАЕВ,
ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси:



— Мамлакатимизда мустақилликнинг илк кунлариданоқ оилаларга ғамхўрлик давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Хусусан, ёш оилаларни моддий рағбатлантириш, уларнинг маънавий салоҳиятини ошириш ҳамда фарзандлар тарбиясига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, жорий «Мустақкам оила йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар миқёси ва қўламини жиҳатидан кўпчиликини ҳайратга солаётган улкан натижалар мазмун-моҳияти, руҳи ва фарсафаси билан ҳам мамлакат тарихини бебайандиган йил бўлди. Мазкур жараёнда вилоятимизда фаолият юритаётган ташкилотлар қаторида ЎзМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши ҳам фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда ташкил этилаётган тарғи-

бот тадбирларида хотин-қизлар ва ёшларнинг жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги фаоллигини ошириш, уларнинг қизиқиш ва интилишларини қўллаб-қувватлаш масалалари устувор аҳамият касб этди. Мухтарам Президентимиз Бош Қомиссимизнинг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида кириб келаётган янги йилга ном бериш ҳақида гапирар экан, халқимиз истак ва озуларини амалга ошириш, тараққиётни жадаллаштириш, ҳаётини янада фаровон қилиш, каби эзгу мақсадларга эътибор қаратиш лозимлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, 2013 йилга «Обод турмуш йили» деб ном берилиши замирида мамлакат тинчлиги ва тараққиётини янада кучайтириш, бу борадаги интилишларини янги босқичга олиб чиқиш каби эзгу мақсадлар мужассамдир. Зеро, Президентимиз таъ-

кидлаганидек: «Ҳар қайси инсон, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бу дунёга бахтли яшаш учун келади. Бундай юксак орзуга етишнинг шарти ва гарови бўлган масалалари устувор орасида ҳаётимизга маъно-мазмун берадиган, уни янада ёнғун ва файзли қиладиган бир омил борки, у ҳам бўлса, одамнинг ўз уйи, ўз юртини ҳар томонлама гузал ва обод қилиб, шундан ўзи маннун бўлиб, рози бўлиб яшашда яққол намоён бўлади». Шунга муштарак равишда келгани йил учун йўлга чиқилган Давлат дастурида ҳар бир оила бахту саодати, мамлакат ободлигини таъминлашга қаратилган шарт-шароит ва имкониятларни янада кенгайтиришга эътибор қаратилади. Бу эса олдимизга Ўзбекистонимизда тинчлик-осойишталик ва хавфсизликни таъминлаш, фуқаролар ва миллатлараро аҳиллик ва ҳам-

Рустам РАШИДОВ,
ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони мафқуравий масалалар бўлими бошлиғи:

ни мустақамлаш, маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинларини фуқаролик жамиятининг асосий институтига айлантиришга доир чуқур ислохотлар амалга оширилди. Мустақиллик даврида 10 мингга яқин ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла, қишлоқ, овул ва шаҳарча фуқаролар йиғинлари ташкил этилиб, фаолият юритиб келмоқда. Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимда кириб келаётган 2013 йилни «Обод турмуш йили» деб номлашни тақлиф қилди. Мухтарам Юртимизимиз ўз нуктида «Обод турмуш йили» да амалга оширилиши лозим бўлган долзарб масалалар хусусида фикр билдирар экан, бу борада маҳалла ҳаётини янада ахамияти ҳақида шундай деди: «Биз турмушимизни янада обод қилиш вазифасини олдимизга қўяр эканмиз, бир ҳақиқатни чуқур ан-

лаб олишимиз зарур. Яъни, ҳаётимизни обод қилишнинг муҳим шарти — бу, аввало, маҳаллани обод қилиш демакдир». Шу ўринда юртимизнинг жумладан, маҳаллаларимизнинг ободлиги ва фаровонлиги хусусида тўхталар эканмиз, мустақиллик йилларида мамлакатимизда яшаётган ҳар бир фуқаронинг дунёқарашини ва ҳаётида «ободлик аввало, ҳар бир инсоннинг кўнглидан, ўз уйи ва маҳалласининг ободлигидан бошланади» деган нукта-назарнинг муҳим ўрин эгаллаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. ЎзМТДП Дастурида партия фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга қўмаклашиши, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, биринчи галда, маҳалла институтининг жойлардаги муайян ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ролини янада кучайтириш каби йўналишларни муҳим деб ҳисоблаш белгилаб қўйилган. Шу нуқ-

таи назардан партияимиз маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларини, халқимизнинг урф-одатларини ва анъаналарини, бой тарихий меросимизни асраб-авайлаш ва бойитиш, миллий тикланиш гоёсини кенг тарғиб қилиш ва аҳоли онгига синдириш ҳамда ушбу гоё асосида халқни Ватан тараққиёти, демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти қуришга оммавий жалб этиш каби масалаларга қаратилган устувор вазифаларни амалга ошириб келмоқда.

Миллий демократик институт — маҳалла институти янада ривожлантириш, улар фаолиятига доир қонунчиликни такомиллаштириш каби эзгу ишларни амалга оширишда ЎзМТДП ҳамда Республика «Маҳалла» хайрия жамияти фонди ўртасидаги ҳамкорликнинг 2013 — «Обод турмуш йили» да янги поғонага кўтаришга интиламиз.

Рустам РАУПОВ,
ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раҳбари:



— Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида тўплаган тажрибаси мамлакатимиз тараққиёт йўлининг узвий бир қисмига айланди. Президентимизнинг «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида шаҳаримизда эътиборга молик ўзгаришлар юз бермоқда. Фарғона шаҳрининг архитектуравий қиёфаси миллий анъаналар ва замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида тўздан яхшиланди. 14 декабрь куни халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида давлатимиз раҳбари вилоят ҳам қўриқ-танловнинг турли йўналишлари бўйича саралаш босқичлари давом этмоқда. Н.УСМОНОВА, ЎЗА мухбири

аҳоли бандлигини таъминлаш борасида салмоқли натижаларга эришилаётганини таъкидлади. Таъкидлаш жоизки, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилиш, демократик ислохотларни чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишларда ЎзМТДП Фарғона вилоят Кенгаши ҳам фаол иштирок этишга интилоқда. Жорий йил партия вилоят кенгаши унун самарали бўлди. Жумладан, ЎзМТДП Кува туман Кенгаши фаолияти «Энг намунали туман Кенгаши», тумандаги Деҳқонобод ҚФЙ қошида ташкил этилган қўйи бўғин «Энг намунали БПТ» деб топилди. Мухтарам Президентимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағиш-

тиши бизнинг зиммамизга катта масъулият юклайди. Бундан ташқари 2013 йилнинг «Обод турмуш» йили деб эълон қилинган «Мустақкам оила» йилининг мантқий давоми сифатида партияимиз фаолиятидаги хайрли ишларни давом эттиришимизга замин бўлди.

● **2013 ЙИЛ — ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ**

Инсон манфаатларини таъминлашда фуқаролик институтларининг ўрни

Пойтахтимизда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси томонидан демократик ўзгаришлар, инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш жараёнида фуқаролик жамияти институтларининг ўрнига бағишланган давра суҳбати ўтказилди.

Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси раиси А.Каримов, Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси раиси Т.Норбоева ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ижроси доирасида амалга оширилаётган ишлар фуқаролик институтлари ривожига муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Соҳага оид икки юздан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилингани, нодавлат нотижорат ташкилотлари сони тобора кўпайиб, қарийб олти мин-

гтага етгани ана шу эътибор самарасидир. Жорий йилда нодавлат нотижорат ташкилотлар томонидан оилаларни мустақамлаш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш, ёшларнинг ҳуқуқий, иқтисодий билимини юксалтириш, ижтимоий шериклик муносабатларини янада ривожлантириш борасида кенг қўллаш ишлар амалга оширилди. Мамлакатимизда «Обод турмуш йили» деб эълон қилинган 2013 йилда бу йўналишдаги ишларни изчил давом эттириш, халқимиз турмуш даражасини янада юксалтириш, маҳалланинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Адлия, Соғлиқни сақлаш, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди масъул ходимлари, ўзини ўзи бошқариш органлари, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, нодавлат нотижорат ташкилотлар вакиллари иштирок этган тадбирда бу борадаги чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Тадбир доирасида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуринда Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди молиявий кўмағида амалга оширилаётган лойиҳалар уюзасидан семинар-тренинг ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова иштирок этди.



— Ўзбекистонда кучли фуқаролик жамиятига ўтиш даврида ўзини ўзи бошқариш органлари, айниқса, маҳалла институтининг ривожига катта аҳамият берилмоқда. Юртимизда маҳалла қадимги даврлардан бошлаб халқнинг ўзини ўзи бошқариш органи сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Мустақиллик эълон қилиниши билан маҳалла ҳуқуқий мақомларига эриша бошлади. Шу билан бирга, давлат ва унинг органлари томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқаришининг ҳуқуқий мақоми-

Ёшлар ижод саройида «Келажак овози — 2012» республика кўрик-танлови иштирокчиларининг тасвирий ва амалий санъат, архитектура ва ландшафт дизайнига оид асарлари кўргазмаси ташкил этилди.

Мамлакатимизда ёшларнинг пухта таълим олиши, ўз истеъдоди ва интилишларини рўёбга чиқариши, қизиқиши ва лаёқатига мос касб-ҳунар эгаллаши учун барча имконият яратилмоқда. «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва ҳамкор ташкилотлар томонидан

● **«КЕЛАЖАК ОВОЗИ — 2012»**

Ёш ижодкорлар асарлари кўргазмаси

Ўтказилаётган «Келажак овози» республика кўрик-танлови илмфан ва санъат йўналишларида изланаётган иқтидорли ёшларни аниқлаш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Хоразм вилояти Хазорасп туманидаги Иқтисодий коллежи ўқувчиси Адолат Исоқова болалиқдан тасвирий санъатга қизиқади. У ижодий лойиҳада «Чевар момо», «Саховатли замин мевалари», «Бахтли ва фаровон оила», «Созанда қиз», «Лазги» каби ўндан зиёб картиналари билан қатнашмоқда.

— Танлов жуда қизгин ва кўтаринки руҳда ўтмоқда, дейди А.Исоқова. — Бу бизга тенгдошларимиз ижоди билан атрофича танишиш, устоз рассомлар ва санъатшунос олимларнинг маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлиш имконини бермоқда. Ўзбекистон давлат консерваторияси ва Тошкент тўқимачисидан давлатимиз раҳбари вилоят ҳам қўриқ-танловнинг турли йўналишлари бўйича саралаш босқичлари давом этмоқда.

Н.УСМОНОВА,
ЎЗА мухбири

ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЎҚУВ-СЕМИНАР

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши томонидан «Депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб вазифалари» мавзусида ўқув-семинар ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчилари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Депутатлик гуруҳлари

ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ — ДОЛЗАРБ ВАЗИФА

Ўқув-семинарда "Депутатлик гуруҳлари фаолиятини ривожлантиришнинг долзарб вазифалари", "Маҳаллий кенгаш депутатларининг ОАВ билан ҳамкорлиги" ва "Партия электорати манфаатларини амалга оширишда ЎзМТДП олдида турган долзарб масалалар" каби мавзуларда маърузалар тингланди.

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар жараёнида муносиб иштирок этиш, қабул қилинаётган қонунлар ҳолатини сайловчиларга етказиш орқали уларнинг сиёсий фаоллигини оширишда халқ депутатлари маҳаллий кенгашлардаги депутатлик гуруҳларидан ташаббускорлик талаб этилади, — деди Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси вазифасини бажарувчи Е.Бауетдинов. — Депутатлик гуруҳлари фаолиятини янада такомиллаштириш, уларнинг электорат манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган ташаббускорлигини ошириш, партия дастурий мақсадларини кенг тарғиб қилишда янги усул ва технологиялардан фойдаланишнинг жорий эътибори мақсадида ташкил этилган мазкур ўқув-семинар улар фаолиятида муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз.

Семинарда электорат билан ишлашда депутатлик гуруҳлари томонидан эътибор қаратилиши лозим бўлган вазифалар, маҳаллий кенгаш депутатларининг оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлигини кучайтириш, шунингдек, ЎзМТДПдан сайланган барча даражадаги депутатларнинг маҳаллий кенгашлар сессияларига партия гоёларига ҳамоҳанг ва электорат манфаатларига қаратилган масалаларни олиб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

— Жорий йилда ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан электорат манфаатларига хизмат қилишда депутатлик гуруҳлари фаолиятини янги босқичга кўтариш муҳим вазифа сифатида белгиланган эди, — деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси У.Жалмонов. — Шу боис маҳаллий кенгашлардаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштириш мақсадида қатор ўқувларнинг ташкил этилиши айни муддао бўлди. Зеро, маҳаллий кенгаш депутатлари қанчаллик фаол ва ташаббускор бўлса, партия сайловолди Платформасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлаш жараёни ҳам шунчаллик самарали кечади.

Савол-жавоб ва баҳс-мунозараларга бой тарзда ўтган семинар якунида депутатлик гуруҳлари фаолиятини такомиллаштиришга доир аниқ чора-тадбирлар белгилаб олинди.

Шоҳида МИРЗАЕВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ПАРТИЯ ЛОЙИҲАСИ

"Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси"

ТАНЛОВНИНГ РЕСПУБЛИКА БОСКИЧИ ҒОЛИБЛАРИ АНИҚЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Пойтахтимизда мазкур танловнинг республика босқичи ўтказилди. Унда ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда вилоят босқичларида ғолиб бўлган партия фаоллари ўзаро беллашиб, билим ва иқтидорларини синовдан ўтказишди.

Танлов иштирокчиларига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Турсунов мурожаат қилиб, жумладан, шундай деди:

— Мазкур кўрик-танлов ЎзМТДП дастурий мақсадлари, мафкураси ва ғоясини аҳоли орасида кенг тарғиб қилиш, партия аъзоларининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтиришда муҳим аҳамият касб этмоқда. Қолаверса, партия фаолиятини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, шунингдек, ЎзМТДПнинг маънавий-маърифий ва мафкуравий йўналишдаги фаолиятини янги босқичга кўтариш ҳамда партияимиз гоёларни тарғиботини изчил амалга оширувчи фаолларни кашф этишга хизмат қилиши шубҳасиз, — деди партия раҳбари.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари, Президент асарлари ҳамда ЎзМТДП дастурий вазифалари ва ғоясини кенг тарғиб қилиш, ҳудудий партия ташкилотларида тарғиботчи нотиклар гуруҳини шакллантириш, партия ходимларининг сиёсий, маънавий, иجتимоий жараёнлардаги фаоллигини ошириш мақсадида ўтказиб келинаётган танловда иштирокчилар учта шарт бўйича белгилаб олинди.

— Партияимиз аъзоларининг сиёсий ва ҳуқуқий малакасини ошириш, тарғибот ва ташвиқот ишларида таъсирчан шакл ва усулларни қўллаш, партия электорати билан ишлашда депутатлик гуруҳларининг ролини кучайтиришга қаратилган қатор лойиҳалар амалга оширилмоқда, — деди ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Ж.Сафоев. — Бу каби лойиҳалар партия гоё ва мафкурасини кенг жамоатчиликка етказиш билан бир қаторда, ЎзМТДП аъзолари орасидан иқтидорли ва ташаббускор ёшларни юзага чиқариб, кадрлар заҳирасини бойитишда муҳим аҳамият касб этди.

Танлов низомига кўра, иштирокчилар тест саволларига берган жавоблари орқали Конституция, қонунлар, Президент асарлари ва ЎзМТДП Дастури ва сайловолди Платформаси билан қай даражада таниш эканликларини намойён этдилар. Иккинчи шартда эса иштирокчиларнинг юртимиздаги иجتимоий-сиёсий, иқтисодий жараёнлар ва партия фаолияти акс эттирилган илмий-оммабоп мақолалари таҳлил қилин-



ди. Сўнги шарт бўйича қатнашчилар билан суҳбат уюштирилиб, уларнинг нотиклик маҳорати синовдан ўтказилди.

Яқунда барча шартларни муваффақиятли бажариб, ўзининг ҳақиқий тарғиботчи эканини намойён этган

Тошкент шаҳри вакили Д.Эшанова биринчи ўринга лойик, деб топилди. Шунингдек, иккинчи ва учинчи ўрин соҳиблари ва турли номинатсиялар бўйича совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалар топширилди.

Донохон ЭШАНОВА, кўрик-танловнинг биринчи ўрин соҳибаси, Тошкент шаҳри:

— ЎзМТДП Устави ва Дастурида партия мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашиш, демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, миллий мерос ва анъаналарни асраб-авайлаш, уни замон руҳи билан бойитиш сингари вазифалар белгиланган. Мазкур кўрик-танлов партиянинг ана шу йўналишдаги амалий ишларини навбатдаги поғонага кўтаргани шубҳасиз. Бугунги танлов барча иштирокчилар учун ўзига хос синов мактабини ўтади. Ҳар бир иштирокчи беллашув орқали сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини ошириш, ижодий ишларини намойён этиш ва ўзаро тажриба алмашиш имконига эга бўлди.

Усмон ЖўРАЕВ, иккинчи ўрин соҳибаси, Тошкент вилояти:

— Маълумки, Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг амалга ошираётган йирик лойиҳалари партия фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга ЎзМТДП аъзолари сиёсий фаоллигини ҳам оширмоқда. Мана шундай йирик лойиҳалардан бири "Миллий тикланиш ғоясининг энг яхши тарғиботчиси" кўрик-танловини ўтказишнинг йўлга қўйилгани фикримизнинг ёрқин далилидир. Бугун танловнинг республика босқичида совриндор бўлишим тарғиботчи сифатидаги фаолиятимнинг сермахуфт бўлишига замин яратди. Халқ депутатлари Бўша тўман кенгаши депутати, ЎзМТДП депутатлик гуруҳи раҳбари сифатида тарғибот ишларини туман фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшлар билан ишлаш, маҳалла фаоллари билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш, ЎзМТДП ҳаракат дастурида илгари сурилган гоёларни тарғиб қилиш ва бу йўналишдаги муҳим масалаларни туман кенгаши сессияларига олиб чиқиш орқали давом эттириши ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим.

Насима ҚОДИРОВА, учинчи ўрин соҳибаси, Бухоро вилояти:

— Ватанга, юртга муҳаббат, инсонпарварлик туйғулари халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган азалий хусусиятидир. Ана шундай инсоний фазилатларни янада такомиллаштириш ва тарғиб қилиш ўзини шу юртининг асл фарзанди деб билган инсоннинг шарафли бурчидир. ЎзМТДП сайловолди Платформасида ҳам партия ёшларни ҳақиқий ватанпарвар, юртга ва миллий гоёга содиқ қилиб тарбиялашга кўмаклашиши алоҳида таъкидланган. Бугунги танлов ҳам иштирокчиларнинг ана шундай хусусиятларини намойён қилишларига имкон яратди, десак муболага бўлмайдими. Мен ҳам танлов орқали миллий тикланиш ғоясини тарғиб қилишнинг янги, замонавий ва самарали усул ва воситаларини ўргандим. Ўрганганларимни, албатта, вилоятга бориб, иш фаолиятимда қўллашга ҳаракат қиламан.

Шоҳида ДАМАНОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

ХРОНИКА

Ёшлар салоҳиятини юксалтириш

ЎзМТДП ДАСТУРИЙ МАҚСАДЛАРИГА ҲАМОҲАНГ ТАРЗДА АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

ТОШКЕНТ ШАҲРИ

ЎзМТДП Чилонзор туман Кенгаши ташаббуси билан "Ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Тошкент шаҳар ва Чилонзор туман Кенгаши ходимлари, туман хотин-қизлар кўмитаси вакиллари ҳамда ёшлар иштирок этдилар.

Таъкидланганидек, мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда ёш авлод ҳуқуқий саводхонлигини ошириш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, ёшлар келажакимизнинг ҳал қилувчи кучи ҳисобланади. Тадбирда ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишда Конституция ва қонунларнинг аҳамиятига тўхталиб ўтилди. Иштирокчилар ёш авлодни маънавий етук, комил инсон бўлиб вояга етказиш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини оширишда сиёсий партияларнинг ўрни муҳимлигини алоҳида эътироф этишди.

— ЎзМТДП мамлакатимизда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳар бир шахснинг Конституция ва қонунларда кафолатланган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини тўлақонли рўйбга чиқаришни ўзининг энг муҳим вазифаларидан деб билади, — деди ЎзМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассиси О.Иброҳимхонов. — Бугунги кунда партия ташкилотларида ўтказилаётган қатор тадбирларда ҳам дастурий мақсадларимиз ўз аксини топмоқда.

Тадбирда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, ЎзМТДП фаоли Мирза Азизов сўзга чиқиб, ёшларнинг бош Қомусида белгиланган билим олиш ҳуқуқлари, бурч ва мажбуриятлари, шунингдек, партиянинг бугунги фаолияти, ёшлар билан боғлиқ лойиҳалари ҳамда тарғибот тадбирлари баркамол авлодни вояга етказишда муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

КАШҚАДАРЭ

ЎзМТДП Қарши шаҳар Кенгаши томонидан "Ёшлар — миллий давлатчилигимиз ва манфаатларимиз таянчи" мавзусида тадбир ташкил қилинди. Унда партия шаҳар кенгаши аъзолари ва "Ёшлар қаноти" етакчилари, шаҳар хотин-қизлар кўмитаси, Маънавий тарғибот маркази шаҳар бўлими ходимлари, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди шаҳар бўлими вакиллари, "Чақар" МФЙ фаоллари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар ёшлар эртанги кунимиз таянчи, ватанимиз тараққиётини белгилаб берувчи асосий куч эканлигини алоҳида эътироф этишди. Шу боис ёш авлод тарбияси ва камолоти, салоҳияти ва маънавиятига катта эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

— Ёшларни ватанпарварлик, миллий гоёга содиқлик, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, улар қалбида миллий гурур уйғотиш, замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш, иқтидорли, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан саналади, — деди ЎзМТДП Қарши шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси С.Омонов. — Шунингдек, партия ўз Ватанини севган ва унинг миллий-маънавий қадриятларини ҳурмат қилувчи ёшларни ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва очик фуқаролик жамиятини шакллантиришдаги етакчи куч, бошлаган эзгу ишларимизнинг давомчиси деб билади. Шу боис мамлакатимиз ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишларда фаол иштирок этишимиз лозим.

Таъкидланганидек, эртанги давомчилари бўлган ёшларга ҳар томонлама эътибор бериш, ўз истеъдодларини намойён қилишлари учун шарт-шароит яратиш бериш, уларни "оммавий маданият" таъсиридан сақлаш, ёш авлод қалби ва онгида соғлом ҳаёт тарзи, миллий қадриятларга ҳурмат туйғусини шакллантириш юртимиз келажакига пойдевор бўлиб хизмат қилади.

САМАРҚАНД

ЎзМТДП мақсад ва вазифаларини ҳаётга татбиқ этиш, унинг позициясини кенг жамоатчиликка етказишда ҳудудий партия ташкилотларидаги жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлимида фаолият юритаётган мутахассислар фаоллиги муҳим аҳамият касб этади. ЎзМТДП Оқдарё туман Кенгаши томонидан "Туман кенгашиларда замонавий матбуот хизматини шакллантиришнинг долзарб вазифалари" мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Унда партия Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, халқ депутатлари Оқдарё туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар партия фаолиятини янада жонлантириш, депутатлар фаолиятини мунтазам равишда кенг жамоатчиликка етказиб боришнинг замонавий усул ва воситалари ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирдилар.

— Бугунги кунда партияимиз Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девонида жамоатчилик билан алоқалар ва оммавий ахборот воситалари билан ишлаш бўлими ташкил қилинган ва барча ҳудудий партия ташкилотларида шу соҳа бўйича етакчи мутахассислар фаолият олиб боришмоқда, — деди Оқдарё туман Кенгаши Ижроия Кўмитаси етакчи мутахассиси Г.Саматова. — Уларнинг иш самарадорлигини ошириш бевосита партияимиз нуфузининг ҳам юксалишига олиб келади. Чунки ҳар бир ташкилотнинг матбуот хизмати унинг юзи, тарғиботчиси ҳисобланади. Шундай экан, партия матбуот хизматларини замонавий технологиялар билан таъминлаш, улар фаолиятини янада шакллантириш долзарб вазифаларимиздан саналади.

Давра суҳбатда замонавий матбуот хизматларини шакллантиришнинг долзарб масалалари ҳақида маърузалар тингланди. Таъкидланганидек, улар фаолиятини ривожлантириш партияимиз дастурий мақсадларига хайрихоҳлар, фаол аъзолар сонининг ошишига хизмат қилади.

Муҳтарам КОМИЛОВА,
"Milliy tiklanish" мухбири

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

Қуйи бўғин ташаббуси

БИЛАН «ЁШ ҲУНАРМАНДЛАР» МАКТАБИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

ман Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси А.Холиқов. — Мавжуд қуйи бўғинлар ишини жонлантириш, уларни замонавий технологиялар ва адабиётлар билан таъминлаш ҳамда бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтиришга алоҳида эътибор қаратаёلمиз. Бу борда халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда бошланғич партия ташкилотлари билан бир қаторда турли тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда. Хусусан, "Қуйи бўғинлар фаолиятини ривожлантиришда маҳаллий Кенгаш депутатларининг ўрни", "Ёш ҳунармандларни қўллаб-қувватлаш ЎзМТДП эътиборида", "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" каби тадбирлар ҳамда "Миллий тикланиш соврини учун" спорт мусобақалари шулар жумласидандир. Ушбу тадбирлар, давра суҳбатлари ҳамда ўқув-семинарлар партия аъзолари ва хайрихоҳлари сафи-

нинг тобора кенгайиб боришида муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда. Шунингдек, БПТлар жойларда кенг жамоатчиликни қизиқтираётган масалалар, таклиф ва мулоҳазаларни ўрганиб, халқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи ҳамда партия туман Кенгашига олиб чиқиб, тегишли чора-тадбирлар белгилашнинг кўмакдош бўлмоқда.

Туман аҳолиси, асосан, қишлоқ ҳўжалиги ва чорвачилик билан шуғулланади. Шу боис аҳолининг чорвачилиқдан олинандиган жун маҳсулотларини қайта ишлаш ва сотишга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида қуйи бўғинлар қошида "Устоз-шогирд" мактаблари ташкил этилди. Жумладан, Ойибек маҳалла фуқаролар йиғинидек бошланғич партия ташкилотли ташаббуси ҳамда "Ҳунарманд" уюشمаси туман бўлими билан ҳамкорликда ташкил этилган «Ёш ҳунарманд-

лар» мактабида бугунги кунда 90 нафарга яқин ёш йигит-қизлар миллий ҳунармандчиликнинг қўллаб турлари билан шуғулланмоқда.

— «Ёш ҳунармандлар» мактабида қадриятларимиз давомчилари гиламчилик ҳамда жундан тўқиладиган кийим бошлар, кигиз, шунингдек, қуроқ, кашта ва келинлар либослари тиқиш билан шуғулланиб келишмоқда, — дейди БПТ етакчиси С.Холиқов. — Энг муҳими, ёшлар ўзлари тайёрлаган миллий ҳунармандчилик буюмларини сотиш орқали оиласи фаровонлигига ҳисса қўшмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ёшларга яратилаётган бу каби имкониятлардан Мангит қишлоғидаги 17-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган Ортиқ Қўйибешов раҳбарлик қилаётган БПТ аъзолари ва қишлоқ ёшлари унумли фойдаланишмоқда.

— Яқунда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ту-

манимизда бўлиб, сайловчилар билан учрашувлар ўтказди, — дейди О.Қўйибешов. — Депутатлар сайловчиларга парламент қуйи палатасида муҳокама қилинаётган қонун лойиҳаларининг мазмун-моҳияти, ЎзМТДП фракцияси аъзоларининг қабул қилинаётган қонунларда партия электорати манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги саъй-ҳаракатлари, партиянинг ёшлар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлашга доир лойиҳалари ҳақида батафсил маълумот берди. Бу эса сайловчи ва депутат ўртасидаги кўприкнинг мустаҳкамланиши билан бир қаторда, фуқароларда мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий жараёнларга нисбатан дахлдорлик туйғусини кучайтиришга замин яратди.

Муҳтасар айтганда, ЎзМТДП Қамаш туман Кенгаши қошида фаолият юритаётган бошланғич партия ташкилотлари партия дастурий мақсадлари тарғиботи йўлида самарали фаолият олиб бориб, партия хайрихоҳлари сафи кенгайишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шерзод ҚУРБОНОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири

Юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларда фаол иштирок этиш, жамиятда партия нуфузини янада мустаҳкамлаш, аввало, қуйи бўғинлар зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис ЎзМТДП Марказий Кенгаши томонидан бошланғич партия ташкилотларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Жумладан, қуйи бўғинлар етакчиларининг билим ва кўникмаларини юксалтиришга қаратилган ўқув-семинарлар мунтазам ташкил этилмоқда.

— Бугунги кунда ЎзМТДП Қамаш туман Кенгашида 1200 нафардан ортиқ аъзони бирлаштирган 72 та бошланғич партия ташкилотли фаолият юритмоқда, — дейди партия ту-

ЎЗМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА



Партия “Ёшлар қаноти”

КОНФЕРЕНЦИЯСИДА 2011-2012 ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан ёшларга бўлган эътибор давлат сиёсати даражасига кўтарилиб, уларга юксак ишонч билдирилмоқда. Бунга жавобан ҳар жабҳада ёшларнинг ўрни ва фаоллиги ўз аксини топмоқда. Бу борада ЎЗМТДП “Ёшлар қаноти” ҳам ҳуқуқий демократик давлат қуриш, фуқаролик жамияти барпо этиш, мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин олишида ёшларнинг фаол иштирокисини таъминлашга кўмаклашиш мақсадида фаолият олиб бормоқда.

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти”нинг олий бошқарув органи Конференция ҳисобланиб, у ҳар икки йилда камида бир марта чақирилади. Навбатдаги Конференцияда партия “Ёшлар қаноти”нинг 2011-2012 йиллардаги фаолияти, ютуқ ва камчиликлари юзасидан ҳисоботи тингланди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, ЎЗМТДП Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари “Ёшлар қаноти” етакчилари ва фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Конференцияни кириш сўзи билан очган ЎЗМТДП фракцияси раҳбари У.Муҳаммадиев “Обод турмуш йили” партияси зиммасига ҳам катта масъулият юклашни, хусусан, “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада кучайтиришни тақозо этишини таъкидлади.

Ийгилишда таъкидланганидек, партия “Ёшлар қаноти” томонидан ЎЗМТДП Дастури ва сайловолди Платформасида белгиланган ёшларни Ватанга муҳаббат, ўз халқига садоқат руҳида тарбиялаш, улар онгида миллий урф-одат, қадрият

ва аъналаримизга нисбатан ҳурмат туйғусини шакллантириш, юртимизда кечаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларда ёш авлоднинг фаол иштирокини таъминлашга қаратилган ёшлар форумлари, фестиваллар, акциялар ҳамда турли тadbирлар ташкил қилиб келинмоқда. “Баркамол ёшлар — обод Ватан келажиги”, “Миллий халқ ўйинлари”, “Ўзбекистон ифтихорлари — ёшлар даврасида”, “Озод юртинг обод гўшаси”, “Сиёсий билимдонлар”, “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий, сиёсий жараёнлар — ёшлар нигоҳида” шулар жумласидандир.

Конференцияда партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари, ЎЗМТДП фракцияси аъзоси Арслон Эшмуродов Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасидан келиб чиқадиган устувор вазифалар юзасидан маъруза қилди.

Ёшларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, қабул қилинаётган қонун ва қарорлар мазмун-моҳиятини уларга тeранoқ тушунириш, ёш авлод онгида бурч ва масъулият тушунчаларини уйғотиш, шунингдек, келажакимиз эгаларини турли мафкуравий таҳдидлар,

“оммавий маданият” таъсиридан асраш партиямиз, хусусан, партия “Ёшлар қаноти”нинг устувор вазифалари сирасига қиради.

Давлатимиз раҳбари ўз маърузаларида таъкидлаган “бизнинг энг катта таянч ва сўянчимиз, халқ қилувчи кучимиз ёш авлодимиздир” деган ғояни ёшлар онига сингдиришимиз, уларни янада фаол бўлишга ундашимиз лозим. Бу борада партия “Ёшлар қаноти” асосий куч сифатида ўз фаолиятини янада жадаллаштириши, ёшлар билан ишлашда партиявий усул ва воситаларни жонлантириши ҳамда улардан унумли фойдаланиши зарур, — деди нотик.

Тadbирда ЎЗМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан жойларда ўтказиб келинаётган тadbирлар, мулоқотлар, давра сўхбатлари ва ўқув-семинарларнинг аҳамияти, сифати, уларда йўл қўйилган камчиликларни бар-тароф этишнинг самарали механизми ҳамда ютуқлари муҳокама қилинди. Анжуманда сўз олган “Ёшлар қаноти” етакчилари ЎЗМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида белгиланган вазифаларни амалга ошириш борасида “Ёшлар қаноти” томонидан олиб борилаётган ишларни янада кучайтириш, ёшларнинг сиёсий онги ва тафаккурини бойитиш, уларни ўзаро бирдамликка чақиришга йўналтирилган лойиҳалар, кенг қўламли тарғибот ва ташвиқот ишларини янада кенгайтириш лозимлигини эътироф этишди.

Конференцияда жорий “Мустақам оила йили” да ёшлар орасида ЎЗМТДП ғоя ва мақсадларини кенг тарғиб қилишда фаоллик кўрсатган партия Самарқанд, Навоий, Сурхондарё, Жиззах, Тошкент

ЁШЛАР ҚАНОТИ

вилоят Кенгашлари “Ёшлар қаноти” етакчилари диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Конференция сўнгида кун тартибидоги муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан ҳамда партия “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича тегишли қарор қабул қилинди.

Раъно ХУДОЙҚУЛОВА, ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси:

— ЎЗМТДП Сурхондарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” юртимизда амалга оширилаётган ёшларга оид давлат сиёсатини қўллаб-қувватлаган ҳолда партия дастурий мақсад ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида ҳаракат қилиб келмоқда. Жорий йилда ёшларнинг сиёсий, ҳуқуқий билимларини оширишга қаратилган қатор тарғибот тadbирлари, форум ва фестиваллар ўтказилди. 2013 — “Обод турмуш йили” да бу борадаги ишларни янада кенгайтириб, тadbирларни сон ва сифат жиҳатдан янги босқичга кўтаришни режалаштирялмиш.

Конференцияда Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида белгиланган вазифаларга ҳам эътибор қаратилди. Дарҳақиқат, маърузада келажакимиз таянчи бўлган ёш авлод таълим-тарбиясига алоҳида тўхталиб ўтилгани, янги 2013 йилнинг “Обод турмуш йили” деб эълон қилингани партия “Ёшлар қаноти” етакчилари зиммасига ҳам катта масъулият юклайди.

Дилбар МУҚИМОВА, ЎЗМТДП Самарқанд вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси “Ёшлар қаноти” етакчиси:

— Жорий йилда “Ёшлар қаноти” фаоллари сафи икки баробарга ошди. Улар орасида турли спорт мусобақалари, гулбола, Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибдари, турли фан олимпиадалари иштирокчилари бор. Бу иқтидорли ёшлар қатор тарғибот тadbирларимизда фаол иштирок этиб келишади. Жумладан, “Миллий ўйинлар”, “Ёш сиёсий билимдонлар”, “Ёш фольклор гуруҳлар”, “Адабиётни ҳошқорлар”, “Ёш тарғиботчи” каби гуруҳлар шакллантирилиб, уларнинг доимий фаолияти йўлга қўйилган. ЎЗМТДП дастурий мақсадларини амалга оширишда улар асосий кўмакчимизга айланмоқда. Партия “Ёшлар қаноти” фаолиятини янада ривожлантиришни янги йилдаги энг устувор вазифамиз деб биламиз.

Муҳтарома КОМИЛОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

Бугунги ислохотлар жараёни

ЁШЛАР НИГОҲИДА



Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби аъзолари ўртасида “Ўзбекистондаги иқтисодий-ижтимоий ва сиёсий жараёнлар ёшлар нигоҳида” кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Унда ЎЗМТДП Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, ҳудудий партия ташкилотларининг “Ёшлар қаноти” етакчилари, кўрик-танловнинг минтақавий босқичлари ҳамда ёшлар иштирок этди.

Кўрик-танловни ЎЗМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси ўринбосари Арслон Эшмуродов кириш сўзи билан очиб, жумладан, шундай деди:

— Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, ёшларни миллий-маънавий-тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдонлари, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш мақсадида ташаббускор ёшларни ўз сафига бirlаштириш учун турли лойиҳаларни амалга оширмоқда. Ёшлар ўртасида ЎЗМТДП ғояси, мақсад ва вазифаларини кенг тарғиб қилиш, “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби фаолиятини янада ривожлантириш, ёшларни партия сафига жалб этиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш, сиёсий-ҳуқуқий билимларини бойитиш, дунёқарашларини кенгайтириш ҳамда ёш авлод вакилларида фаол фуқаролик позициясини шакллантириш мақсадида аънавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур кўрик-танлов ҳам партиянинг бу борадаги амалий ишлари натижасидир. Партиямиз ўз ишини такомиллаштиришда жамиятнинг энг қайноқ қатлами — ёшлар кўмагига таянишини инobatга олиб, танлов ЎЗМТДП фаолиятида муҳим аҳамият касб этишига ишонамиз.

Тadbирда таъкидланганидек, ушбу танлов ёшларимизда юксак интеллектуал салоҳият, мустақил фикр, кенг дунёқарашни шакллантириш, ёшлар орасидан етакчилик қобилиятига эга бўлганларни танлаб олиш орқали истеъод ва интилошларини юзга чиқариш, иқтисодий-иж-

тимоий, сиёсий жараёнларнинг фаол иштирокчисига айлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Эътироф этилганидек, ҳар йили аънавий тарзда ўтказиб келинаётган танловга бўлган қизиқиш тобора ортиб бормоқда. Жумладан, танловда ўтган 2011 йилда 200 нафарга яқин ёшлар беллашган бўлса, жорий 2012 йилги вилоят ва минтақавий босқичларнинг ўзида 500 нафарга яқин ЎЗМТДП “Ёшлар қаноти” фаоллари беллашди.

Кўрик-танловнинг минтақавий босқичида голибликни қўлга киритган Хоразм, Бухоро, Қашқадарё вилоятлари ва Тошкент шаҳар Кенгашлари “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клуби жамоалари танлов Низомига асосан ўрта шарт бўйича ўзаро беллашдилар. Дастлабки “Ташриф қарточкаси” шартлида ҳар бир жамоа 3 дақиқада ўз номи ва ширини, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, ЎЗМТДП Устав ва Дастуридан фойдаланган ҳолда ўз сиёсий қарашларида айнан

Хакимлар ҳайъатининг хулосаларига кўра, Қашқадарё вилоят Кенгаши “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг “Насаф” жамоаси 1-ўрин, Тошкент шаҳрининг “Тошкент ёғдуси” жамоаси 2-ўрин, Хоразм вилоятининг “Сарбон” ва Бухоро вилоятининг “Ёш сиёсатчилар” жамоалари 3- ва 4-ўринларни қўлга киритишди.

Яқунда голиб ва совриндорларга Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгашининг диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Маъмура КУРБОНОВА, ЎЗМТДП Қашқадарё вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси, “Насаф” жамоаси аъзоси:

— Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислохотлар биз ёшларнинг келажакига қаратилганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Шу босис ушбу жараёнлар мазмун-моҳиятини чуқур англаб, ўзимизда амалга оширилаётган ислохотларга дахлдорлик туйғусини кучайтириш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиз. ЎЗМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан аънавий тарзда ташкил этилаётган мазкур кўрик-танлов ҳам биз учун ибрат мактаби бўлди, десак муболаға бўлмайди. Танлов ҳар биримизда ватанпарварлик, юртга содиқлик ва шахсий нуқтай назарни шакллантирди. Бу эса партия Қашқадарё вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” фаолиятини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этади.

Равшан ОМОНОВ, ЎЗМТДП Тошкент шаҳар Кенгаши “Ёшлар қаноти” етакчиси, “Тошкент ёғдуси” жамоаси аъзоси:

— Мазкур кўрик-танлов жамоамизнинг ҳар бир аъзоси учун фойдали бўлди. Танловга тайёргарлик кўриш жараёнида юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларни ўрганиш, уларга ўз муносабатимиз, шахсий нуқтай назаримизни билдира олиш имконига эга бўлдик. Бу ерда вилоятлардан келган тендошларимиз билан баҳс-мунозарага киришиб, ўзаро тажриба алмашдик. Ўрганларимизни партия дастурий мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда “Ёшлар қаноти” қошидаги “Ёш сиёсий билимдонлар” клубининг келгуси йилги фаолиятида қўллашга жамоамиз аъзолари билан келишиб олдик.

Ш.ДАМАНОВА, “Milliy tiklanish” мухбири

ТАРҒИБОТ

Конституция — миллий қадриятларимиз асоси

СИФАТИДА ЎЗМТДП ТОМОНИДАН КЕНГ ТАРҒИБ ҚИЛИНМОҚДА

Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Бухоро вилоят Кенгаши ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишлаб “Конституция — миллий қадриятларимизни шакллантиришнинг ҳуқуқий асоси” мавзусида тadbир ўтказилди. Унда партия вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ходимлари, вилоят ҳокимлиги мутасаддилари, вилоят Адлия бошқармаси ходимлари, партия фаоллари, Бухоро Давлат Университети профессор-ўқитувчилари ва ёшлар иштирок этди.

Тadbирни Бухоро давлат университети маънавий-маърифий масалалар бўйича проректори О.Қодиров кириш сўзи билан очиб, Асосий Қонунимизда давлат тузилиши, бошқарув шакли, фуқароларнинг асосий ҳуқуқ-эркинликлари, бурчлари белгилаб берилганлиги, давлат бошқарувида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли конституциявий нормалар билан мустақамланганлигини таъкидлади.

— Мазкур тadbир Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигини муносиб нишонлаш, унинг давлат ва жамият қурилишидаги ўрни, аҳамиятини тарғиб қилиш, шунингдек, Конституциямиз миллий қадриятлар,

миллий давлатчиликнинг асоси эканлигини тушунириш, асосий қонун орқали ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятнинг шаклланишига ҳисса қўиш мақсадида ташкил этилди, — деди нотик.

Ийгилишда ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони раҳбари М.Тўхтаев маъруза қилди:

— Асосий Қонунимизда инсон манфаатлари ва ҳуқуқлари, унинг тинч-тотув ҳаёти ва келажакни таъминлаш ва ҳимоялаш каби улғувор мақсадлар мужассамлашган. Конституция миллий қадриятларимизни шакллантириш ва мамлакатни демократик ривожлантиришнинг ҳуқуқий пойдевори, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларининг қа-

фолатидир. Бу каби тушунча ва ғоялар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастури ва сайловолди Платформасида ҳам белгилаб қўйилган. Жумладан, ЎЗМТДП “Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси — ҳар нарсадан устун”, деган ғояни ҳаётга татбиқ этишнинг ўзининг вазифаси деб билади ва шу асосда қатор лойиҳа ҳамда тadbирларни амалга ошириб келмоқда.

Шунингдек, партиямиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва давлат рамзларини миллий гуруҳ ҳамда эҳтиром тимсоллари сифатида улғулаш ва ардоқлашни ҳар томонлама тарбиялаш мақсадини тарғиб қилмоқда. Тadbирда сўзга чиққанлар ЎЗМТДП томонидан амалга оширилаётган тарғибот тadbирлари ёшларда ватанпарварлик ҳисси мустақамланиши, Конституцияга ҳурмат ва эҳтиром туйғуси шаклланишида муҳим аҳамият касб этишини таъкидладилар.

Д.ШАРИПОВ, ЎЗМТДП Бухоро вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони бош мутахассиси

МУНОСАБАТ

Президентимиз Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини катта ҳаяжон ва эътибор билан тингладим. Айниқса, давлатимиз раҳбари кириб келаятган 2013 йили мамлакатимизда “Обод турмуш йили” деб эълон қилишни тақлиф этгани бизни ниҳоятда хурсанд қилди. Шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, бу Ватан равнақи, Юрт ободлиги, Халқ фаровонлиги йўлида қилинган наватдаги ташаббусдир.

Юксак рағбат масъулияти

Истиклол бизга миллий қадрият ва аъналаримизни эъзозлаш, халқимизнинг буюк ишларга қодир эканлигини англатди. Шу босис, ҳар бир фуқаро бугун бунёдкорлик ва яратувчанлик иштиёқи билан яшаётди. Президентимиз таъбири билан айтганда, “Олиб бораётган сиёсатимизнинг асосий, бош мақсади бўлиши инсон манфаати, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада обод ва эркин, эртанги кунимизни янада ёруғ бўлиши” учун қилинаётган саъй-ҳаракатдир. Ўзбекистоннинг ўзига хос ва мос тараққиёт йўли — ҳаётимизнинг барча соҳаларини тўғдан ислоҳ этиш орқали мамлакатни модернизациялаш ва жамиятни янгилаш, инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш мақсадида қилинган бир қатор амалий

тadbирлар бугун ўз самарасини бермоқда. Айтиш мумкинки, юртимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ислохотлар жараёнида Конституциянинг роли ва аҳамияти беқеъ. Негаки, фуқаролар манфаатлари устувор эканлигини олий даражада мустақамлаган ушбу ҳужжат асосида мамлакатимиз сўнги 20 йил давомида тараққиёт тоғи ва ривожланди. Утган йиллар давомида катта ютуқларга эришдик. Буни юртимизда оилавий бизнес ва тadbиркорлик ҳамда хунармандчиликнинг ривожланиши ҳамда кўришимиз мумкин. Соҳада қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тadbиркорликнинг янада ривожланишига асос бўлмоқда. Яратилган шароитлар натижаси ўлароқ, шахри-



мизда туризм, сервис ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш мақсадида ўз бизнес лойиҳамни амалга ошириб, янги иш ўринлари ташкил этишга ҳисса қўшмоқдам. 2013 йилда иш фаолиятимизни янада кенгайтириб, 5 та янги иш ўрни ташкил этишни режалаштирганимиз. Бунга касб-хунар коллежларини биттирган ёшларни жалб этамиш. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг дастурий мақсад ва ғояларига ҳамохан равишда эълон қилинган “Обод турмуш йили” да Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлиги йўлида биз маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам масъулиятини ошириб, янада фаол ҳаракат қиламиз, деган умиддаман.

Фарҳод ЭРНАЗАРОВ, ЎЗМТДПдан сайланган Халқ депутатлари Навоий шаҳар Кенгаши депутати

РЕКЛАМА ЎРНИДА



“МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ”

АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ



Юртдошларимизни
Янги 2013 йил
билан қутлайди.

*Янги йил хонадонларингизга зиё,
илм-маърифат, эзгулик олиб кирсин.*

“Матбуот тарқатувчи” –
Обунага кўмакчи

БАЙРАМ МУБОРАК!

ҚУТЛОВ

● ФАОЛЛАРИМИЗ

Маърифатга йўғрилган умр

Тоштемир Турдиев ҳақида узоқ йиллардан буён республикамизнинг турли даражадаги матбуот нашрларида жуда кўп мақола, очерк ва эсселар ёзилганидан хабарим бор. Уларнинг бирида қахрамонимиз олим, бирида адиб, бирида қадимшунос ва шоир, маънавият тарғиботчиси, бирида тадқиқотчи-этнограф, тажрибали ва зукко раҳбар сифатида талқин этилади.

Очиғи, Тоштемир акада бу сифатларнинг бариси муҳасам. Бироқ, бугун Тоштемир акани наинки деновликлар, балки у киши билан ҳеч бўлма-са бир марта мулоқот қилган "бегоналар" ҳам "устоз" дея мурожаат қилишга ўрганиб қолишган. Менимча, ана шу таъриф домланинг узоқ йиллик аъмолларига қўйилган ҳақиқий баҳо бўлса керак. Ахир, Деновдан ўтиб, бутун бир воҳанинг катта-кичик ижодкор-у зиёлиси назарида устозлик макрмига эришиш ҳар кимга ҳам nasib этмайдиган бахт эмасми... Шу фикрга қўшилишга истиҳола қилувчилар учун "ёғи кетмаган" бир мисол. Тоштемир ака билан суҳбатимиз жараёнида домланинг қабулига "ассалому алайкум, устоз!" дея кириб келган тўрт-беш нафар кишининг бирови туман болия бўлимининг раҳбари, бирови фермер, яна иккиси қайси бир корхонанинг ҳисобчилари эди. Домла ҳақида эшитмаганлар учун ижодий муҳитдан узоқроқ кишиларнинг Тоштемир акага "устоз" дея мурожаат қилишгани бошқача туюлиши мумкин эди, балки. Бироқ, Деновда таомил ҳам, гапнинг индаллоси ҳам шу — касби, хунари, вазифаси қандай бўлмасин, барча учун Тоштемир аканинг меҳнат дафтарида қарийб ярим асрлик фаолият муҳрланган. Домла ҳақида нимадир қоралаш ниятида олган маълумотлар орасидан ана шу узоқ йиллик фаолиятини алоҳида қисмларга ажратиб, бирор йўналиш ҳақида ёзишни ўйладим. Аммо, эътиборимни тортган бир жиҳат туфайли бунинг иложи йўқлигига дарров амин бўлдим. У ҳам бўлса бутун меҳнат фаолияти давомида Тоштемир ака бадий ижод, илмий изла-нишлар, жамоатчилик, раҳбарлик, мураббийлик фаолиятларини бир-биридан узмасдан, бир вақтнинг ўзида тен-

па-тенг олиб борганлиги эдики, уларнинг бирини қолдирсангиз Тоштемир ака ҳақида айтмоқчи бўлганларинг бир тори узилган созадан чиқаётган овоздек таассурот қолдириши турган гап.

Тоштемир Турдиев туман газетасида дастлабки фаолиятини бошлаган 1965 йилдан қадим Бактрия давлатининг таркибига кирган Чағониён (бугунги Денов) тарихи билан қизиқиб, шу соҳада излашлар олиб борган воҳанинг энг биринчи олимларидан саналади. Қадимшунослик соҳасидаги фаолият билан бир қаторда шу заминда яшаб ўтган азиз-авлиёлар, ижодкорлар, тарихий шахслар фаолиятини ўрганиш, уларнинг унутилиб кетган бой маданий-маънавий меросини қайта тиклаб рўёбга чиқариш ҳақида қайғурди. Пировардда ушбу саъй-ҳаракатлар натижаси ўларок, "Хожа Алоуддин Аттор — нақшбандия тарикатининг йирик намояндаси", "Фозил Йўлдош ўғли", "Шажара", "Субҳидам қалдирғочи" каби китоблар дунё юзини кўрди. Айнан домланинг узоқ йиллик меҳнатлари самараси ила воҳанинг энг таниқли шоираси Раъно Узоқованинг "Талпин юрак" ҳамда "Сайланма" шеърый тўпламлари нашрга тайёрланиб, илк бор китобхонларга ҳавола этилди. Айниқса, "Алпомиш" достонининг минг йиллигини нишонлаш арафасида достоннинг айнан Сурхондарё вариантыни топиш ва китоб ҳолида чиқариш учун кўп излашлар олиб боришга тўғри келди. Хўшбоқ бахшидан ёзиб олинган ушбу вариант мутахассис олимлар эътирофига ҳақиқатдан ҳам "Алпомиш"нинг соф сурхондарёча варианты ҳисобланади.

Олимнинг япон қадимшуноси, профессор Кюдзо Като, машхур археолог-олим, академик Эдвард Ртвеладзе билан ҳам ҳамкорлик қилгани та-



синга сазовор. Шу ўринда Тоштемир Турдиевнинг куни кеча босмадан чиққан китоби — "Денов қасидаси" ҳақида алоҳида тўхталишни жоиз топдик. Негаки, қарийб тўрт юз саҳифадан иборат мазкур китобнинг аксарият қисми Денов (қадим Чағониён) тарихини тадқиқ этишга қаратилган. Жумладан, китобга киритилган тарих фанлари доктори Эдвард Ртвеладзе, япон олими Кюдзо Като, тарих фанлари номзоди Баҳодир Турғуновнинг Денов тарихи, унинг ёшини аниқлашга доир мақолалари алоҳида аҳамиятга эга.

"Денов шаҳри — Марказий Осиёдаги ўтмишда Бактрия-Тоҳаристон деб аталмиш ҳудуддаги шаҳарлардан бири. Унинг заминидан Сополли деган давр бронза асрига тўғри келади. Бу ердан аввалги минг йилликнинг ўртасига - 3-3,5 минг йил аввалги даврга дахлдор сопол буюмлар топилди.... Шу боисдан ҳам биз Деновнинг ёши 3-3,5 минг йиллик тарихга эга деб ҳисоблаймиз". Э. Ртвеладзе ("Денов қасидаси" 6-7 бет)

Худди шундай илмий эътироф китобда Кюдзо Като, Баҳодир Турғунов томонидан ҳам келтириб ўтилганки, бу Тоштемир акани узоқ йиллардан буён ўйлантириб, турли хил баҳс-мунозараларга тортиб келаётган "Денов неча ёшда?" деган саволга қадимшунос олимлар томонидан илмий жиҳатдан берилган жавоб эди.

Табаррук етмиш ёшни ортада қолдириш арафасида бўлишларига қарамай, устоз ҳали ҳам ижодий, маънавий-сиёсий соҳада серғайрат фаолият олиб бораётганлари, тўғриси, ҳар қандай кишининг ҳавасини келтириши табиий.

Кейинги уч йилда Тоштемир аканинг иш бўлмаси сиёсий адабиётлар, кўргазмали воситалар билан билан бойиганлиги, ўтказилаётган маъна-

вий-маърифий руҳдаги тадбирлар қаторида сиёсий мавзудаги тадбирларга ҳам кўпроқ эътибор берилаётганлигини сезиш қийин эмас. Бунинг сабаби у кишига яна бир масъулиятли вазифа — "Миллий тикланиш" демократик партиясининг туман ташкилотига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани билан боғлиқ.

Тоштемир ака бу ишга шунчаки, қўшимча бир вазифа деб қарамади. Билмак, ўз иш услубидан келиб чиқиб туманда "Миллий тикланиш" партияси мавқеини кўтариш, ишларни партия Низом ва Дастурлари талабига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани билан боғлиқ.

Тоштемир ака бу ишга шунчаки, қўшимча бир вазифа деб қарамади. Билмак, ўз иш услубидан келиб чиқиб туманда "Миллий тикланиш" партияси мавқеини кўтариш, ишларни партия Низом ва Дастурлари талабига раҳбарлик қилиш ишониб топширилгани билан боғлиқ.

Белгиланган аниқ режа асосида қисқа муддатда БПТлар бирма-бир қайта ўрганилиб, улар фаолияти шунчаки қоғозда эмас, амалда йўлга қўйилиши чоралари кўрилди. Жойларда энг фол, обрў-эътиборли партия аъзолари БПТ етакчилари этиб сайланди. Туман партия Кенгашининг депутатлик гуруҳи аъзолари ҳам бу ишларга кенг жалб қилинди. Вақтида тадбирлар, режа асосидаги йиғилишлар ўтказиш, аъзолик бадаллари йиғими қатъий назоратга олинди. Ва, натижа шу бўлдики, жуда қисқа муддатларда ЎзМТДП Денов туман Кенгаши фаолияти барча соҳалар бўйича туман партия ташкилотлари учун ўртак бўларли даражага чиқиб борди. Хатто ушбу масала яқинда вилоят партия Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан ЎзМТДП Марказий Кенгаши масъул ходимлари иштирокида ўтказилган бир кунлик семинар чоғида алоҳида тилга олиб ўтилди. Тоштемир Турдиев фаолияти, унинг умр йўли ҳақи равишида барчамиз учун, айниқса, бугунги ёшлар учун ибрат бўлгулик ҳаёт мактабидир. Бир ижодкор дўстимиз таъкидлаганидек, юзлаб шоғирдлар баҳраманд бўлган бу мактаб ҳали узоқ йиллар билимга, ижодга ташна ёшлар учун ибрат бўлғуси.

Даврон ОРИПОВ,
журналист

Миллий қадриятлар тажассуми

(Давоми.
Боши 1-бетда)

Маънавий-ахлоқий, илмий, диний ва ҳуқуқий қадриятлар халқимизнинг узоқ асрлик турмуш тарзида, аънавий маданиятида муҳим ўрин олган. Муқаддас она заминимизда одамлар кўнглида устувор бўлган адолат, ҳақиқат, иймон, олижаноблик, бағрикенглик, мардлик каби улугвор хислатлар Конституциямиздан муносиб ўрин олган.

Конституциямизнинг 4-моддасида "Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ўзбек тилидир. Ўзбекистон Республикаси ўз ҳудудида истиқомат қилувчи барча миллат ва элатларнинг тиллари, урф-одатлари ва аънавалари ҳурмат қилинишини таъминлайди, уларнинг ривожланиши учун шароит яратеди", дейилган.

Мазкур моддада Ўзбекистонда давлат тили ўзбек тили эканлиги баён этилган. 1989 йилнинг 21 октябрида она тилимизга "Давлат тили" мақомининг берилиши истиқлолимиз сари қўйилган энг муҳим қадамлардан бири бўлди. Конституцияда ўзбек тили давлат ҳимоясига олинган. Мазкур йўлда қатор ижобий саъй-ҳаракатлар қилинмоқда. Ўзбек тилида қонунларимиз ёзилмоқда, давлат ҳужжатлари, илмий асарлар, дарсликлар, адабиётлар чоп этилмоқда.

Ўзбекистонда юздан ортиқ миллат ва элатлар яшайди. Республикада истиқомат қилувчи барча миллатларнинг миллий маданиятлари, урф-одатлари, аънавалари ва тилларига ўзаро ҳурмат конституциявий талаблардан-дир. Бунинг учун кенг ва етарли шароитлар яратилган. Хусусан, 1992 йилдаёқ миллий-маданий марказлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларга кўмаклашиш мақсадида "Республика байналмилал маданият маркази" ташкил этилгани бунга яққол мисол бўлади. Ушанда атиги 12 та миллий-маданий марказ фаолиятини бирлаштирган бу жамоат ташкилоти бугун юздан ортиқ марказлар ишини мувофиқлаштириб турибди.

"Ўзбекистон халқини, миллатидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари ташкил этади" (8-модда). Мазкур моддада қайд этилган қоида жаҳондаги ҳеч бир Конституцияда учрамайди ва бу моддада мустахкамланган Ўзбекистон фуқароларининг миллий тенглиги принцили инсон ҳуқуқларига оид бар-

ча халқаро ҳужжатларга, жумладан, Ўзбекистон Республикаси номидан унинг Президенти имзолаган Париж Хартияси талабларига тўла мос келади. Мазкур принцип мамлакатимиздаги тинчлик, сиёсий барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Қомусимизнинг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг 66-моддасида "Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида гамхўрлик қилишга мажбурдирлар", дейилган.

Вояга етган фарзандлар ўз ота-оналари тўғрисида гамхўрлик қилишга, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришга ҳамда кўмаклашишга мажбурдирлар. Улар ота-оналари турмушидан хабардор бўлиб, сихат-саломатликларига ҳар доим эътибор беришлари зарур. Вояга етган фарзандлар нафақа мажбурияти вужудга келган ёки келмаганлигидан қатъи назар ота-оналари тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт. Ушбу моддада чинакам миллий ва инсоний фазилатлар акс этган бўлиб, ота-она ва болалар ўртасида яқинлик, гамхўрлик ҳамда меҳр-муҳаббат ришталарини янада мустахкамлайди.

Ўзбекистон Республикаси «Оила кодекси»нинг 109-моддасида "Вояга етган меҳнатга лаёқатли болалар меҳнатга лаёқатсиз, ёрдамга муҳтож ўз ота-онасига таъминот беришлари ва улар тўғрисида гамхўрлик қилишлари шарт".

Ота-онасининг давлат ва нодавлат муассасалари қарамоғида эканлиги вояга етган меҳнатга лаёқатли болаларни ота-она ҳақида гамхўрлик қилиш ва уларга моддий ёрдам кўрсатиш мажбуриятдан озод қилмайди", деб белгиланган.

Оилада ота-она ва болалар ўртасида юзага келадиган муносабатлар, табиийки, бир-бирига ёрдам кўрсатиш, бир-бирини қўллаб-қувватлаш ҳамжиҳатлик ҳамда ихтиёрийликка асосланган бўлиши лозим.

Хулоса қилиб айтганда, ҳаёт, турмуш тарзи болалардан ўз ота-оналари ҳақида доимо гамхўрлик қилишни талаб этади ва бу, ўз навбатида, ҳар бир фарзанднинг ота-она олдидagi ҳаётий, фарзандлик бурчини ҳамда конституциявий мажбуриятларининг бажарилишини таъминлайди.

Маҳмуд АБДИЖАЛИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги бўлим
бошлиғи

Реклама



"NAVOYAZOT"

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ўзбекистон аҳлини

2013 йил

Обод турмуш йили

билан самимий табриклайди.

Қалбингиздаги барча эзгу орзу-умидлар рўёбга чиқсин.

Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлсин.

Янги йил МУБОРАК!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ *жамоаси*

Кириб келаётган

Янги 2013 йил

билан барча юртдошларимизни қутлайди.

Яратувчанлик ва бунёдкорлик

ишларингизга улкан

муваффақият, хонадонларингизга

қут-барака тилайди.

**2013 йил —
Обод турмуш
йили**

Янги йилингиз билан!

БАЙРАМ ШУКУҲИ

Тараққиёт йўлидан дадил одимлаётган юртимизда таълимни ислоҳ қилиш, замонавий ва илғор технологияларни жорий этиш, ўқув дастурларига миллий ғоя ва қадриятлар руҳини синдириш, бу жараённи пухта ва самарали амалга ошириш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилгани биз педагоглар зиммасига катта масъулият юклайди.

● **БАРКАМОЛ АВЛОД**

Комиллик тарбияси

1200 нафардан зиёд ўқувчи таҳсил олади. Уларга она тили ва адабиёти, рус тили, инглиз тили, информатика фанлари чуқурлаштирилган ҳолда ўқитилмоқда. Яқинда Президентимиз томонидан қабул қилинган "Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорда 2013-2014 ўқув йилидан бошлаб мамлакатимиздаги барча умумтаълим мактабларида чет тиллар, хусусан, инглиз тили 1 синфдан бошлаб ўйин тарзидаги ва оғзаки нутқ дарслари шаклида, 2 синфдан алифбо, ўқиш ва грамматикани ўзлаштириш босқичма босқич амалга оширилиши белгиланган. Биз шуниси билан фахрланамизки, билим масканимизда 1 синфдан инглиз тили, 2 синфдан компьютер сабоқлари янги педтехнологиялар асосида ўргатилади. Албатта, ўсиб келаётган ёш авлод ҳеч бўлмаганда битта чет тилини мукамал ўрганиши ва ушбу тилни нутқда бемалол қўллаш олиши ҳозирги тараққий этаётган замоннинг энг катта талабидир. Чет тилини ўрганиш орқали фарзандларимиз дунёни танийди ва замон билан ҳамнафас бўлади, умуминсоний қадриятлар билан яқиндан танишади, халқаро миқёсда фан ва техниканинг илғор ютуқларини ўзлаштириб боради. Уларнинг ўз она юртининг гуллаб яшнаши учун ҳиссаларини қўшиш, Ватанини жаҳонга танитиш имконияти ҳам бошқаларникига караганда кўпроқ бўлади. Мактабимизда "Ассалом, янги авлод!" бадиий дастаси бўлиб, бу даста аъзолари Германия, Ҳиндистон давлатларида ўтказилган халқаро фольклор танловларида иштирок этганларида ҳам, Италиядаги танловда олий ўринни қўлга киритганларида ҳам бутун дунёдан келган тенгдошлари билан танишиб, бемалол инглиз тилида суҳбатлашишган. Уларга таржимоннинг кераги бўлмаган. Ўқувчиларимизнинг бундай му-



ваффақиятларга эришишларида илғор педагогик психологик тажрибага эга Дилноза Аминова, Зухриддин Имомалиев, Нодир Ҳакимов каби инглиз тили ўқитувчиларининг меҳнати борлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Билим даргоҳимиз билан пойтахтдаги хорижий тилларга ва аниқ фанларга ихтисослашган давлат умумтаълим мактаблари ўртасида доимий ва мустақам алоқа ўрнатилган. Улар билан ҳамкорликда турли учрашувлар, танловлар, спорт мусобақалари ва байрам кечалари ўтказиб тураемиз. Мақсадимиз иктидорли ва истеъдодли болаларни тайёрлаш ва тарбиялаш экан, ўқувчиларимизнинг билимларидан шаҳар олимпиадаларидаги ютуқлари бизни ниҳоятда қувонтиради. Мухриддин Узоқов, Асрор Орзиқулов сингари қобилиятли шогирдларимизнинг она тили ва адабиёти, рус тили, инглиз тили фанларидан шаҳар олимпиадасидаги муваффақиятларини, опера хонандалиги бўйича бир неча республика ва халқаро танловларининг мутлақ ғолибаси, 5 синф ўқувчиси Мадина Саидазимованинг санъат соҳасидаги интилишлари ва изланишларини, шунинг баробарида барча фанлардан фақат "аъло" баҳоларга ўқишини кўриб фарзандларимизнинг келажиги порлоқ эканлигига қайта қайта амин бўламиз.

2011-2012 ўқув йилидан бошлаб билим масканимизда нутқ маданияти фани ўқитилмоқда. Нутқ маданияти ижтимоий ҳодиса бўлиб, у жамият, фан ва техника, маданий ва адабий ҳаёт ривожини билан чамбарчас боғлиқ ҳолда тараққий этади. Жамият аъзоларининг маданий савияси ва маънавияти орган сари нутқи ҳам жилоланиб, сайқаллашиб, нутқ маданияти қоидалари ва меъёрларига мувофиқ ҳолда такомиллашиб бораверади. Бинобарин, баркамол шахсни вояга етказишнинг асосий сифатларидан

ҳисобланмиш нутқ маданияти ҳар бир инсон фаолиятида муҳим аҳамият касб этади. Бу фанни ўқитиш бўйича илм масканимиз республикада таянч мактаб ҳисобланади. Албатта, бу борада замонавий ўқитиш технологияларини мукамал ўзлаштирган, ўзининг фани бўйича тинимсиз янгиликлар ва кашфиётлар яратишга интилаётган юксак салоҳиятли муаллимларимиз, Республика халқ таълими аълочилиси Шарофат Тошмирзаева, Муҳаббат Мирбобоева, Саида Мажидова, Ҳилола Узоқова каби ўқитувчиларимизнинг тажрибалари ёрдамида биз зиммамиздаги масъулиятни шараф билан адо этаёلمиз. Шу ўринда республика аънавий "Йил ўқитувчиси" танловининг ғолиби Шарофат Тошмирзаеванинг педагогик маҳорати хусусида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу муаллиманинг ноънавий дарслари шаҳардаги бошқа мактабларда ҳам оммалаштирилган. "Устоз-шогирд" тамойили асосида Шарофат опа истеъдодли ёш ўқитувчимиз Ҳилола Узоқовага устозлик қилади. Уларнинг ижодий ҳамкорлигига, биргаликда ўтказётган тадбирларига, тайёрлаётган ўқувчиларининг қобилиятига кўпчилик ҳавас билан қарайди. Яна, жорий йилдан ўқув дастурига киритилган "Шарқона тарбия" фани бўйича яратилган хрестоматиянинг муаллифлари орасида ўқувчилар меҳрини қозонган таниқли устоз Шарофат Тошмирзаеванинг борлиги бизга чексиз фахр бағишлайди.

Ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини, ички ва ташқи маданиятини тарбиялаш туганмас жараёндир. У боланинг илк қадамларидан, унга оилада ва мактабда берилган дастлабки кўникмадан бошланиб, умр бўйи давом этади. Демак, "Мустақам оила йили" да бошланган кўплаб тарбиявий тадбирларимиз "Обод турмуш йили"да ҳам давом этади, маҳалла ва оилалар билан ҳамкорлигимиз янада кучаяди, деган умиддамиз.

Мухтабар МАРАЙИМОВА,
Филология фанларига
ихтисослашган давлат
умумтаълим мактаби
директори,
Халқ таълими аълочилиси

ТЕРМИН ТУМАН ТИББИЁТ БИРЛАШМАСИ,
ТЕРМИН ТУМАН ХАЛҚ ТАЪЛИМИ
МУАССАСАЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ
МЕТОДИК ТАЪЛИМЛАШ ВА
ТАШҚИН ЭТИШ БУЎЛИМИ,
ХАЛҚОВОД ПЕВНИМОНИ ИҚТИСОДИЁТ
БОЎЛИГИНИ ЯРАМОҚДА

Янги 2013 йил

билан табриклайди.

Янги йилнингиз муבורак бўлсин,
Азиз юртдошлар!



Реклама

Реклама

СИРДАРЁ ТУМАН ҲОКИМЛИГИ

Юртдошларимизни

Янги 2013 йил

билан табриклайди.

*Янги йил ўзгача файз-шукуҳ билан келсин.
Пахтақору ғаллакорларимиз,
боғбону соҳибкорларимиз уйган хирмонлари,
қурувчиларимиз бунёдкорлик ишларидаги
муваффақиятлари билан барчамизни қувонтирсин.*

Янги йилнингиз билан!

РЕКЛАМА ЎРНИДА




ЎЗМТДП СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Мамлакатимизда бир оиладек яшаб, меҳнат қилаётган юртимиз аҳлини

ЯНГИ 2013 ЙИЛ

билан қизғин қутлайди.



Кириб келаётган Янги йил ҳар бир оилага,
ҳар бир хонадонга тинчлик хотиржамлик ва
қут-барака ато этсин!

Ўқувчилар иқтидорини кашф этиб

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида «Иқтидорингни намоён эт!» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Мазкур танлов Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, «UZINFOCOM» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ва жорий этиш маркази, «ZiyoNET» ресурс маркази ҳамкорлигида ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирининг ўринбосари А.Холбеков, Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси директори А.Хўжаев ва бошқалар Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёшларнинг чуқур билим олиши, замонавий ахборот

технологияларини пухта ўрганиши учун кенг шарт-шароитлар яратилаётганини таъкидлади. «ZiyoNET» жамоат таълим ахборот тармоғи ёшларнинг билим ва дунёқарашини бойитиш, уларни миллий мафкурамиз, маънавий қарашларимизга ёт маълумотлардан муҳофазалашга хизмат қилмоқда.

«Иқтидорингни намоён эт!» танлови учун тақдим этилган юздан ортик ижодий ишлар — мақола ва видеоролик «ZiyoNET» порталининг махсус сайтлари орқали қабул қилинди. Уларни баҳолашда мавзунинг долзарблиги, ижтимоий аҳамияти каби жиҳатларга асосий эътибор қаратилди.

«Энг яхши мақола» йўналиши бўйича биринчи ўрин Фарғона вилояти Учкўприк туманидаги 1-мактаб интернат ўқувчиси Жалолиддин Йиғиталиевга берилди. Тошкент шаҳар Мирзо Улғубек туманидаги 18-мактаб ўқувчиси Жалол Саломов «Энг яхши видеоролик» йўналишида биринчи ўринга лойиқ топилди.

Ўзбекистон давлат консерваториясида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейи ҳамкорлигида «Болажонлар — болаларга!» деб номланган концерт дастури намойиш этилди.

Болажонлар — болаларга!

Ёш авлод истеъдодини ҳар томонлама камол топтириш, мусиқа ва санъат мактабларини ривожлантириш Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида таълим соҳасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида муҳим ўрин тутди. Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлда қабул қилинган «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида»ги қарори буйирилишида муҳим омил бўлмоқда.

В.Успенский номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида махсус фортепьяно, зарбли ва дамли созлар, торли созлар, мусиқа назарияси ва композиция, хор

дирижёрлиги каби йўналишларда таълим берилмоқда. Мазкур таълим маскани ўқувчилари хорижий давлатларда ўтаётган ёш мусиқачилар кўрик-танловлари, санъат фестиваллари, концертларда совринли ўринларни эгаллаб келмоқда.

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамкорлигида ташкил этилган «Болажонлар - болаларга!» ижодий лойиҳаси доирасида кўллаб концертлар намойиш этилмоқда. Улардан тушган маблағлар қон хасталиқларига чалинган болалар учун дори-дармон ва тиббий воситалар харид этишга йўналтирилмоқда.

Концертда лицей ўқувчилари ўзбек ва жаҳон бастакорлари асарларидан намуналар ижро этди.

Назозат УСМОНОВА,
ЎЗА муҳбири

“ASIA ELEGANT STAR” МЧЖ ЖАМОАСИ


Юртимиз фуқароларини

Янги 2013 йил

билан самимий муборакбод этади.

Кириб келаётган Янги йил
хонадонларингизга шоду хуррамлик,
файз-барака олиб келсин!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ МЕҲНАТ ВА АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ БОШ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ

Тараққиёт йўлида ладил қадамлар ила одимлаётган мустақил мамлакатимиз аҳлини ва юртимиз меҳмонларини кириб келаётган

ЯҶИТИ 2013 ЙИЛ

билан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, онлангизга қут-барака тилайди.

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

● ИСТИҚЛОЛ ИНШОТЛАРИ

Ободлик ва бунёдкорлик

ИШЛАРИНИ ХОРАЗМНИНГ ҲАР БИР ГЎШАСИДА КЎРИШ МУМКИН



Юксак орзу ва истаклар билан яшайтган инсон борки, яратувчанлик, бунёдкорлик ҳақида қайгуради. Шу туйғу билан яшайди. Бу жараёнда, аввало, эл-юрт манфаатини биринчи ўринга қўяди. Ўз толиғи Ватан тақдири, халқ тақдири билан боғлайди. Зеро, ана шундай ўй-ташвишлар, сазй-ҳаракатлар билан умр кечираётган кишиларни юртпарвар, элпарвар, деймиз.

Кўҳна ва навқирон Хоразм заминининг гуллаб-яшнаши, тараққиётга юз тутишида ҳам ана шундай инсонларнинг ҳиссаси беқиёс. Чунки, истиқлол ушбу гўшанинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида янги тараққиёт даврини бошлаб берди. Юртдошларимиз қалбида ободлик ва бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқи уйғонди.

Бугун Урганч шаҳри катта қурилиш майдонига айланган. Бир пайтлар хом гишт ва паҳса девордан қурилган бинолар ўрнини эндиликда замонавий, кўркем, кўпқаватли иншоотлар, кенг ва раво кўчалар, кўзни қувнатадиган иморатлар эгаллади. Вилоятнинг қай бир туманига борманг, қишлоқ ва маҳаллаларимиз обод ва кўркем бўлиб бораётгани, халқимизнинг турмуш даражаси тобора яхшиланаётганлиги, ўз навбатида, маиший хизмат ва сервис соҳаси замон талаблари даражасида ташкил этилаётганлиги барчамизни қувонтиради.

— Олис қишлоқларда намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган тураржойларни кўриб қувониб кетаман, дейди "SHAMS-SB" хусусий корхонаси раҳбари Шухрат ака Ҳожиёв. — Ана шу қурилишларда корхонамиз ва вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси қурувчиларининг ҳам ҳиссаси борлигидан қувонаман. 12 йилдан буён вилоятимиздаги турли қурилиш ва таъмирлаш ишларида қатнашяпмиз. 2009 йилда Урганч туманида 24-умумтаълим макта-

би, 2010 йилда 5-тип спорт комплекси, 2011 йилда эса Урганч шаҳрида вилоят "Баркамол авлод" болалар маркази қурилишини амалга оширдик. 50 нафардан ортиқ ишчи-хизматчиларимиз кўмағида барча қурилиш ишларини сифатли ва ўз вақтида бажариш ҳаракатидамыз.

Мусиқанинг таълим-тарбиядаги ўрни, аҳамияти беқиёс. Мухтарам Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги қарори баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказишда муҳим қадам бўлмоқда. Мазкур ҳуқуқий ҳужжат тўғрисида катта бунёдкорлик ишлари бошлаб юборилди. Бугун юртимизнинг қайси бир гўшасига борманг, салобат билан қишлоқларимиз кўркига кўрк бериб турган муҳташам санъат қошоналарини кўрасиз.


Янгириқ туманидаги 15-болалар мусиқа ва санъат мактаби учун янги ўқув биноси қурилиши март ойида бошланган эди. Болалар спортини ривожлантириш

жамғармаси томонидан ажратилган 2 миллиард 56 миллион сўмлик маблағ эвазига барпо этилган мазкур иншоот мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида болажонлар учун муносиб тўхфа бўлди. Қурилиш ишларини сифатли бажаришда Одилбек Машарипов, Мадрим Салаев, Юнусжон Қариев, Арслон Шарипов, Баҳром Қутлиев, Ҳамро Матқаримов, Илҳом Исломов каби ҳамкасбларимиз кўпчиликлари ўрнатди. 2013 йилда янги гишт заводи қурилиш режалаштирганмыз. Натжидада 26 иш ўрни яратилиб, қурилиш материалларининг нархи арзонлашади.

— Болалардаги қобилиятни, истеъдодни, иқтидорни ўз вақтида илғаб, уларга кўмаклашиш, нафақат ота-онанинг, балки жамиятнинг ҳам вазифаси саналади, дейди биз билан суҳбатда мусиқа ва санъат мактаби директори Дилмурод Жуматов. — Юртимизда ёшларнинг замон талаблари асосида таълим олишлари ва истеъдодларини юзага чиқаришлари учун бундай мактабларда барча имконият яратиб берилган. Шухрат ака раҳбарлигидаги қурувчиларга раҳмат. Қурилишнинг ўз вақтида бажариб, ободонлаштириш ва кўкнамзорлаштириш ишларида ҳам кўмак беришди. Ҳозирда болажонларимиз барча шароитлар яратилган кенг ва ёруғ хоналарда дарс ўтиб, мусиқа сирларини ўрганишмоқда.

Фарзандларимиз саломатлиги ва таълим тарбиясига ҳар тарафлама эътибор берилаётганлигида эртанги кунимиз эгаларига билдирилаётган юксак ишонч ва рағбат муҳасам. Осмони муссаффо, халқи фаровон юртга эса ободлик, бунёдкорлик ва яратувчанлик ишлари ярашади. Бу борада хоразмлик юртдошларимиз амалга ошираётган ишларни кўриб қувонасиз. Хоразм томонларга йўлингиз тушса, бунга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз.

Эркин ДРОПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



ЎЗМТДН ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Кўпмиллатли мустақил юртимиз фуқароларини

ЯНГИ 2013 ЙИЛ

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил барчангизга қутлуғ келсин. Хонадонларингизга шоду хуррамлик, файз-барака олиб кирсин!

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!



РЕКЛАМА ЎРНИДА

● ТИМСОЛ

Давлатимиз рамзи сифатида мадҳия Ўзбекистон халқларининг шон-шарафи, гурури, тарихий хотираси ва интилишларини ўзида мужассамлаштирди. Ушбу рамзни эъозлаш - ўзининг қадриқимматини, ўз мамлакатига ва шахсан ўзига бўлган ҳурматини мустаҳкамлаш демакдир.

Ислом КАРИМОВ

Давлат мадҳияси

МУСТАҚИЛЛИК РАМЗИДИР

Кун сайин ривожланиб, халқаро миқёсда ўз мавқеини мустаҳкамлаб бораётган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида истиқомат қилаётган ҳар бир ватандошимиз учун жонажон мадҳиямиз азиз ва табарруқдир. Аслида бу ҳис, яъни умуминсоний қадриятларга мос, соф ўзбекона дунёқарашни тараннум этувчи каломлардан татсирилган сўз билан ифода қилиб бўлмас жараёндир.

Озод ва обод Ватанимиз келажаги учун фидокорона меҳнат қилаётган миллионлаб юртдошларимиз ягона мақсад йўлида янада мустаҳкамроқ жипслашмоқдалар. Бу, энг аввало, Юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган давлат сиёсатининг одиллигидан ва халқчиллигидан далолат беради.

Давлат мадҳиясининг мустақилликни мустаҳкамлаш ва ёш авлодни чинакам ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Бугун турли таълим муассасаларида Давлат мадҳиясини жўровоз бўлиб, баралла ва ҳар бир сатри остидаги теран мазмунни идрок этиб қўйлаётган ёшлар эртага она Ўзбекистоннинг ҳар бир қарич тупроғини кўз қорачигидек ҳимоя қилишга қодир авлод бўлиб вояга етадилар, деб умид қиламиз.

Мадҳия давлат рамзлари ичида ўзининг алоҳида хусусиятлари билан ажралиб туради. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 5-моддасига кўра, Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси давлат рамзи сифатида эътироф этилган.

Мадҳия - энг юксак, энг улуғ кўшиқ. У ҳар биримизнинг кўнглимизда кечаётган, Ватан манфаатларига йўрилган олижаноб туйғуларни тараннум этади, шу эл, жонажон Ватанимиз учун янги-янги эзгу амаллар қилмоққа руҳлантиради. Демак, мустақиллигимиз абадий, ўзбек халқи барҳаёт экан, мадҳиямиз ҳам ягона гоё - Ватан равнақи йўлида хизмат қилишда давом этади. Ўзбекининг энг азиз, энг мўътабар овози бўлиб мардонавор жаранглайверади.

Ҳар қандай мустақил давлат сингари Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз давлат рамзи — Мадҳиясига эга. Давлат мадҳиясининг мавжудлиги дунё харитасида Ўзбекистоннинг амалда мустақиллиги ва эркин давлат эканлигини яққол тасдиқлайди.

Давлат мадҳияси — давлат суверенитетини ифодалайдиган расмий ва тантанавор рамз бўлиб, ундан фойдалана

ниш тартиби қонун билан белгилаб қўйилган. Шунингдек, мадҳия фуқароларни ягона мақсад атрофида бириктирувчи мафкуравий восита ҳамдир.

Мадҳия давлат байроғи ва герби каби мустақил давлатнинг ўзига хос рамзи ҳисобланади. Мадҳия давлат рамзи сифатида халқ ва давлат ҳокимияти иродаси, мақсади, интилишлари ва ривожланиш йўлининг мазмунан бирлигини, давлат тузумининг энг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттиради. Мадҳия жамиятда олиқ ирода субъектини ифодалаш билан бирга, шу ирода атрофида одамларни бириктирувчи миллий гоёнинг мафкуравий таъсир воситаси вазифасини ҳам бажаради. Ўсиб келаётган ёш авлод қалбига она юртта эътиқод, унинг буюк келажагига ишонч руҳини тарбиялашга хизмат қилади.

Мадҳия ўзининг мазмун-моҳияти, акс эттириш воситалари билан бошқа муסיқий асарлардан ажралиб туради. Мадҳия давлатнинг умумий-сиёсий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, сиёсий ташвиқотнинг асосий воситаларидан бири ҳисобланади. Мадҳия белгиланганидек, асосан, тантанали байрамлар, сиёсий чиқишлар, расмий давлат қабуллари, ҳарбий парадлар, муҳим меъморий ёдгорликлар — ҳайкалларнинг очилиши, аҳамиятли маросимлар, тарихий саналарга бағишланган йиғинлар, миллий қадриятларга бағишловлар, турли давлат бошлиқларини кутиб олиш ва кузатиш, ҳарбий қасамёд қабул қилиш, халқаро олимпиада мусобақалари, кинофестиваллар ўтказилиши жараёнида ижро этилади.

Давлат мадҳиясида ўзбек халқининг орзу-умид, фикр-уй ва ҳис-туйғулари бекаму кўст ўз ифодасини топган. 1992 йил 10 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси давлат суверенитетининг рамзидир.

Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир. Бошқа рамзлари қаторида давлат мадҳияси ҳам муқаддас бўлиб, уни ҳар қандай йўл билан таҳқирлаш қонун билан жавобгарликка тортилишига олиб келади.

Мухтасар айтганда, Давлат мадҳияси давлат мустақиллигининг шартли равишда белгилувчи ташқи белги, нишона ёки тимсолларидан биридир.

Диёра АБДУЛЛАЕВА,
Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги масъул ходими



ЎЗМТДП ФАРҒОНА ВИЛОЯТ КЕНГАШИ



Ўзбекистон аҳлини

Янги 2013 йил

билан самимий қутлайди.

"Обод турмуш йили" да барчангизнинг хонадонингизга тинчлик-хотиржамлик, тотувлик, тўкин дастурхон, энг муҳими, тани сиҳатлик тилаб қоламиз. Яратувчанлик ва бунёдкорлик ишларингизга ривож, барака тилаймиз.



БАЙРАМ МУБОРАК, АЗИЗЛАР!

Истиқлол йилларида қўллаб улуғ бобоқалонларимизнинг номи қайта тикланиб, улар қолдирган буюк маънавий мерос биз авлодларга қайтарилди. Уларнинг юксак даражадаги илмий ва маънавий хазинаси ёш авлоднинг юксалишида улкан тарбия манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунингдек, улуғ алломаларимизнинг номини тиклаш ва улар билан фахрланиш биз авлодлар учун ҳам қарз, ҳам фарз ҳисобланади.

Авлодлар эътибори ва эътирофидан мана шундай буюк алломаларимиздан бири Абу Мансур ал-Мотуридий ҳазратларидир. Уларнинг тўлиқ исмлари Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ханифий ал-Мотуридий ас-Самарқандийдир. Мотуридий бобомиз буюк имом, фикҳ олими,

● ТАРИХИЙ МЕРОС

Имом Мотуридий мажмуаси

Калом илмининг мотуридийлик оқими асосчиси деб сифатланадилар. "Ҳидоят йўли имоми", "Мутақимлар имоми" номлари билан улуғланадилар.

Мустақиллик шарофати билан буюк боболаримиз руҳига ҳурмат ва эътибор туйғуси қайта шаклланди. Мана шундай саъй-ҳаракатлар асосида 2000 йилда юртимизда Абу Мансур ал-Мотуридийнинг ҳам 1130 йиллиги кенг нишонланди. Шу муносабат билан Президентимиз раҳнамолигида Самарқанд шаҳрининг марказида, тарихий Чоқардиза қабристони ўрнида Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуи бунёд этилди. Ушбу мажмуа майдони тўрт гектардан иборат бўлиб, бугунги кунда шаҳар меҳмонлари ва зиёратчиларнинг азиз зиёратгоҳларидан бирига айланган.

Имом Мотуридий ёдгорлик мажмуа-

си ҳазратнинг қабри ўрнида қад ростлаган улкан мақбарадир. Мажмуанинг умумий кўриниши мақбара ва унга келиб туташувчи бир неча хиёбонли йўлақлар, улкан боғ ҳамда ҳўжалик биноларидан ташкил топган. Рамзий мақбаранинг қурилишида ўзбек миллий меъморчилик санъати намуналари қўлланилиб, пишиқ гиштдан жуда маҳобатли, гўзал ва мустаҳкам қилиб қурилган. Мақбара баландлиги 15 метрдан иборат бўлиб, шифти мовий тусли гўмбаз билан қопланган. Бу миллий меъморчилигимиз тарихига мос анъанавий кўринишлардандир. Мақбара марказига Имом Мотуридий ҳазратларининг рамзий қабр тоши қўйилган бўлиб, унга улуғ алломанинг араб ёзувидаги сўзлари битилган. Имом Мотуридий мажмуаси жуда қисқа фурсатда қуриб битказилган

ёдгорлик ҳисобланади. Унинг бунёд этилишида юртимизнинг турли ҳудудларидан моҳир усталар жалб қилинган. Улар кечаю кундуз фидокорона меҳнат қилиб, улуғ бобоқалонимиз номини абадийлаштиришга хизмат қилувчи маҳобатли мажмуа қурилишини қисқа вақтда поёнига етказишди. Ёдгорлик-мажмуа очирилишида Президентимиз иштирок этиб, Имом Мотуридий ҳазратларининг маънавий мероси ҳамда ушбу мажмуа борасидаги ажойиб фикрларни билдирган эдилар. Шу кунни бутун дунёдан ташриф буорган ислом уламолари иштирокида бобомизнинг ҳаёти ва ижодига бағишланган халқаро анжуман ўтказилди. Мустақил тараққиётимиз мобайнида юртимизнинг турли гўшаларида бу каби тарихий иншоотлар сони ортиб бораётир. Юртимиз кўркига кўрк қўшаётган бу каби қадамжо масканларни кўз қорачигимиздек асраб-авайлаш, келажақ авлодларга бус-бутун етказиш бугунги давр кишиларининг, айниқса, биз ёшларнинг муқаддас бурчимиздир.

Маъмура ХАЛИЛОВА



ЎЗМТДП ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

Юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни

2013 йил

билан қизғин табриклайди.

БАЙРАМ МУБОРАК!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ЎЗМТДП БУХОРО ВИЛОЯТ КЕНГАШИ

ватандошларимизни кириб келаётган

2013 йил

билан самимий қутлайди.

Янги йилда оилавий тиричилик, осудалик, тани сўхатилик,
тўғиб бажар ҳамда фидоворона меҳнатларида улкан
муваффақиятлар ёр бўлишини тилайди!



● ХАМКОРЛИК

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариши тизими муҳим ўрин тутди. Маҳалла фаолиятининг ташкилий-ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш, вазифалари кўламини кенгайтириш, давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро муносабатларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиши натижасида маҳалланинг давлат ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги мавқеи янада юксалмоқда.

Хайрли ишлар

янги йилда ҳам давом этади

Бугунги кунда маҳалла фаолияти асрлар мобайнида шаклланган миллий урф-одат ва анъаналарни асраб-авайлаш, ривожлантириш, аҳолининг ижтимоий муҳофазага муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, маҳаллалар ишини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга қаратилган. Мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 10 мингга яқин фуқаролар йиғини илгари маҳаллий давлат ҳокимият органлари зиммасида бўлган 30 дан ортиқ ваколатли амалга оширмоқда. Маҳалла институти мисолида мамлакатни демократлаштириш йўлида амалга оширилаётган "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилининг ҳаётга босқичма-босқич татбиқ этилаётганлигини яққол кузатиш мумкин.

Маҳаллалар "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонун асосида давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари билан ўзаро ҳамкорликда давлат ва жамият ҳаётига дахлдор бўлган вазифаларни ижтимоий шериклик асосида изчил бажариб келмоқда. Аҳоли пунктларини ободонлаштириш, уларнинг санитар ҳолатини назорат қилиш, тўйлар ва бошқа маросимлар ўтказишда бош-қош бўлиш, керакли тавсиялар бериш, кам

таъминланган оилаларни аниқ йўналтирилган асосда ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби юмушларни бажариш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари олдидаги муҳим вазифалар сирасига киради.

Бугунги кунда етмиш мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган шахримиз ва унинг тасарруфидаги кўрғонларда 13 та маҳалла фуқаролар йиғини, 12 та умумтаълим мактаби, 3 та касб-хунар коллежи ва академик лицей, Навоий кончилик институтининг Зарафшон умумтехника факультети фаолият кўрсатмоқда. Ана шундай барча турдаги ўқув юрталарида йигирма мингдан зиёд ўғил-қизларимиз таҳсил олишади.

Маҳалла фуқаролар йиғинларида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги "Ўзбекистон хотин-қизлар кўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонининг ижроси юзасидан хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда бир қанча ишлар амалга оширилаёпти. Шаҳар аҳолисининг 37 мингдан ортигини хотин-қизлар ташкил этади. Хотин-қизлар кўмитаси, "Камолот" ЁИХ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчилари билан ҳамкорликда турли мавзуларда тадбир, учрашув, семинар, давра

суҳбати ҳамда спорт мусобақалари ташкил этилмоқда. Жумладан, "Даугизтау" МФЙда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" асари мазмун-моҳияти асосида давра суҳбати ўтказилди.

"Шахтёр" МФЙда "Мустаҳкам оила — келажак пойдевори", "Наврўз" МФЙ худудидаги 13-умумтаълим мактабида ўқувчилар билан "Кийиниш маданияти" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. "Баркамол авлод" болалар марказида "Ягона оиладек яшар ҳар миллат" мавзусида катта тадбир бўлиб ўтди.

"Зарапетян" МФЙда тўй ва бошқа маросимларни ихчам ва тежамкорлик асосида ўтказиш борасида шаҳар хотин-қизлар кўмитаси бош мутахассиси М.Жалилова, шаҳар ФХД бўлими мудираси К.Ишанкулова, шаҳар жомеъ масжиди имом хатиби, маҳалла аҳолиси ва ёшлар иштирокида учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда тўйларимизни ихчам, мазмунли ва тежамкорлик асосида ўтказиш юзасида фикр-мулоҳазалар билдирилди. Бундай тадбирларни йил давомида ўтказиб бораёلمиз.

Давлатимиз раҳбарининг 2013 йилни "Обод турмуш йили" деб номлаш ҳақидаги таклифларини катта хурсандчилик билан қарши олдик. Биз зарафшонликлар Юртбошимизнинг ушбу ташаббусига ўзимизнинг фаоллигимиз, янги қабул қилинадиган Давлат дастурида белгиланадиган вазифаларни бажаришда маҳалла фуқаролар йиғини мавқеини ошириш, худудни обод қилиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш, турли миллат вакиллари орасида ўзаро меҳр-оқибатни шакллантиришга бор куч-гайратимиз ва салоҳиятимизни йўналтирамиз. Барча хайрли ишларимиз янги "Обод турмуш йили"да ҳам давом этади.

Учкун ОЧИЛОВ,
"Маҳалла" хайрия
жамоат фонди
Зарафшон шаҳар
бўлинимаси раиси

ЎЗБЕКИСТОН ТУМАНИДАГИ

"МУҚИМШИЙ ФАЙЗ" ФЕРМЕР ХЎЖАЛИНИ АЪЗОЛАРИ

Халқимизни кириб келаётган

Янги 2013 йил

билан самимий муборакбод этади.

Янги йил ҳар бирингиз
учун эзгу ниятлар
амалга ошадиган, орзулар
ушаладиган йил бўлсин!

БАЙРАМ МУБОРАК!

РЕКЛАМА ЎРНИДА



ХАЛҚ БАНКИ

жамоаси барча ҳамюртларимизни кириб келаётган янги

2013 йил —

«Обод турмуш йили»

билан сидқидилдан муборакбод этади!

Янги йилда Сизларга сиҳат-саломатлик, тинчлик ва улкан муваффақиятлар тилаймиз!



ХАЛҚ БАНКИ — ХАЛҚ ИШОНГАН БАНК!

Хизматлар лицензияланган.

Эълон

Гиждувон туман «Asl ko'chmas mulk savdo rieltor»

маъсулияти чекланган жамияти барча тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан, кичик бизнес вакиллари ҳамда хусусий тадбиркорларни очик танлов савдоларига таклиф этади

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 147-сонли қарори ва Бухоро вилояти Гиждувон туман ҳокимининг 2012 йил 26 октябрдаги 1199-сонли қарорига асосан тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юрtdи ва жисмоний шахсларга қўйидаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқлари танловга қўйилмоқда:

1. Икки қаватли савдо маиший хизмат кўрсатиш маркази, миллий маросимлар уйи ва маҳалла маркази қуриш учун Гиждувон тумани Соқтари қишлоқ фуқаролар йиғини Соқтари аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 1500,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 44929 сўм;
2. Сунъий спорт майдончаси қуриш учун Гиждувон тумани Соқтари қишлоқ фуқаролар йиғини Саиткент аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 1500,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 449288 сўм;
3. Бир қаватли автобекат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон тумани Фришкент қишлоқ фуқаролар йиғини Саиткент аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 4000,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 1198102 сўм;
4. Бир қаватли автобекат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон тумани Фришкент қишлоқ фуқаролар йиғини Шоголон аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 200 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 59905 сўм;
5. Бир қаватли ва маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон тумани Фришкент қишлоқ фуқаролар йиғини Шоголон аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 200 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 59905 сўм;
6. Тасдиқланган лойиҳага асосан гишт заводи қуриш учун Гиждувон тумани Соқтари қишлоқ фуқаролар йиғини Саиткент аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 7000 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 2096679 сўм;
7. Тасдиқланган лойиҳага асосан кичик ҳажмдаги қурилиш моллари ишлаб чиқариш корхонаси қуриш учун Гиждувон тумани Соқтари қишлоқ фуқаролар йиғини Саиткент аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 600,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 179715 сўм;
8. Тасдиқланган лойиҳага асосан автомобиллар тўхташ жойи қуриш учун Гиждувон тумани Армечан қишлоқ фуқаролар йиғини Сеталон аҳоли пункти, 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 1000 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 299526 сўм;
9. Тасдиқланган лойиҳага асосан иссиқхона қуриш учун Гиждувон тумани Зафаробод шаҳарча фуқаролар йиғини 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 10000 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 2995255 сўм;
10. Тасдиқланган лойиҳага асосан АГНКС (автомобилларга газ тўндириш компрессор станцияси) қуриш учун Гиждувон тумани Зафаробод шаҳарча фуқаролар йиғини 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 10000 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 2995255 сўм;

11. Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон туман Карахони қишлоқ фуқаролар йиғини 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 150,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 44929 сўм;
 12. Икки қаватли савдо ва маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон туман Карахони қишлоқ фуқаролар йиғини 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 100,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 29953 сўм;
 13. Тасдиқланган лойиҳага асосан дурдоргиллик чеки қуриш учун Гиждувон туман Позагари қишлоқ фуқаролар йиғини Тўқол аҳоли пункти 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 600,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 206673 сўм;
 14. Тасдиқланган лойиҳага асосан савдо ва маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон туман Ф.Юнусов қишлоқ фуқаролар йиғини Чармигарон аҳоли пункти 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 200,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 68891 сўм;
 15. Тасдиқланган лойиҳага асосан умумий овқатланиш пункти қуриш учун Гиждувон туман Ф.Юнусов қишлоқ фуқаролар йиғини Чармигарон аҳоли пункти 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 150,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 51668 сўм;
 16. Тасдиқланган лойиҳага асосан нон ва нон маҳсулотлари сотиш дўкони қуриш учун Гиждувон туман Гулистон маҳалла фуқаролар йиғини 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 50,0 кв. метр минимал қиймати 27061 сўм;
 17. Бир қаватли автобекат ҳамда маиший хизмат кўрсатиш пункти қуриш учун Гиждувон туман Позагари қишлоқ фуқаролар йиғини Додарак аҳоли пункти 1-зонаси ҳудудда жойлашган 1 дона 100,0 кв. метрдан иборат ер участкасининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи. Минимал қиймати 29953 сўм;
- Мажбуриятларнинг бошланғич ҳажми Гиждувон туман архитектура бўлими томонидан тайёрланган тумансозлик топшириғи асосида белгиланади. Тумансозлик топшириғи нусخаси талабгорларга танлов ҳужжатлари билан бирга тақдим этилади. Мажбуриятларни бажариш танлов қолиби танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартнома тузилган кундан бошлаб 2013 йил ноябрь ойига қадар бўлган мuddатда амалга оширилиши лозим.
- Танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш билдиришнома матбуотда эълон қилинган кундан бошланади ва 2012 йил 27 декабрь кuni соат 18:00 да тўхтаёлади.
- Талабгорлар танловда иштирок этиш учун буюртманомани билдиришдан олдин ер участкасига бўлган ҳуқуқ минимал қийматининг 10 фоизи миқдоридagi закалатни закалат келишувига асосан танлов ташкилотчисининг мазкур билдиришномасида кўрсатилган банк ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.
- Танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Гиждувон туман ҳокимлиги биносида 2012 йил 28 декабрь кuni соат 11:00 да очилади ва шу кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади. Комиссия томонидан танлов таклифи энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов қолиби деб топилadi.

Юқридаги ер участкаларининг доимий фойдаланиш ҳуқуқи 2012 йил 28 декабрдаги танловда сотилмаган тақдирда, унинг такрорий танлов савдоси 2013 йилнинг 14 январь кuni соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Такрорий танловда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2013 йил 12 январь кuni соат 18:00 да тўхтаёлади.

Такрорий танлов қатнашчиларининг таклифлари қайд этилган конвертлар Гиждувон туман ҳокимлиги биносида 2013 йил 14 январь кuni соат 11:00 да очилади ва шу кuni соат 16:00 да мазкур ҳокимлик биносида танлов қолиби аниқланади.

Ер участкасига бўлган чекланган (мажбуриятлар олинган) ҳуқуқлар мавжуд эмас.

Танловда қатнашиш истистади бўлган талабгорлар ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг бир баробари миқдоридagi ҳақ эвазига олади.

Талабгорлар танловда иштирок этиш учун танлов ташкилотчисига буюртма хат билан бирга қуйидаги ҳужжатлар илова қилинган буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

- юридик шахслар — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ҳолда унинг танловда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- жисмоний шахслар — паспорт нусхаси (яқка тадбиркор сифатида фаолият юритибатган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси), танловда ваколатли вакил қатнашганда ваколатли вакил шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ҳолда қонун ҳужжатларида белгилаган тартибда расмийлаштирилган ишончнома;
- танлов ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига закалат тўлаганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатида нусха;
- танлов ҳужжатлари талабгарига мувофиқ тузилиб муҳрланган конвертларга жойлаштирилган икки нусхадаги танлов таклифлари.

Тақдим этилган ҳужжатларининг барча варақлари талабгорнинг имзоси, агар талабгор юридик шахс бўлса унинг муҳри ва ваколатли шахсининг имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Комиссия томонидан танлов таклифлари энг яхши деб эътироф этилган талабгор танлов қолиби деб топилadi.

Танлов ташкилотчиси — Бухоро вилояти Гиждувон туман «Asl ko'chmas mulk savdo rieltor» МЧК танлов ташкилотчисининг манзили: Бухоро вилояти Гиждувон тумани Чорсу кўчаси, 97-уй. Тел: +99890 715-27-47, +99891 312-02-12 электрон почта: aslkuch_2012@mail.ru Лицензия: RR 010

Танлов ҳужжатлари олиш учун тўловлар ва закалат пулини тўлаш учун танлов ташкилотчисининг банк рекевизитлари «Аска банк» Бухоро филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Х/р: 20208000904951753001 МФО: 00120, И/Н: 302183318

Танлов ҳужжатлари ва қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлган манзил: Бухоро вилояти, Гиждувон тумани, Чорсу кўчаси, 97-уй.

Муурожаат учун телефонлар: +99890 715-27-47, +99891 312-02-12.

МУЛОҚОТ

«Сурхон» гуруҳи: «Кўшиқларимизда миллат руҳи намоён бўлсин!»

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ўзининг бой мероси, ранг-баранг жанрларига эгаллиги ва асрий анъаналарга асослангани билан жозибадор. Юртимизнинг Тупроққалъа, Афросиёб, Айритом ҳамда Варахша каби қадимий манзилгоҳларидан топилган ноёб археологик ашёлар мусиқа, кўшиқ азал-азалдан халқимиз ҳаёти, турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлаганидан дарак беради. Кўҳна ва ҳамisha навқирон Самарқанднинг Мўминобод қишлоғидан уч минг йил олдин ясалган най чоғусининг топилганлиги ёки Ибн Сино, Фаробий, Беруний, Бобур, Кавкабий сингари алломаларимизнинг мусиқанинг сирли дунёсини англаш ва идрок этиши ҳақида кўлаб рисоалар битгани фикримизнинг далилидир.



Гуруҳни ташкил этишимиздан мақсад, аввало, фольклор орқали сурхон элининг урф-одатлари, маданияти, қадимий анъаналарини намоёиш этиш эди. Биласизми, гастроль сафари билан борганимизда, хорижликлар бизнинг миллий чолғу асбобларимиз ва уларнинг бетакрор оҳанги, либосларимизнинг ранг-баранглигини ҳайратланишди. Чанқовуз, доира, сибизга ва дўмбираларимиз садолари остида янграган куй-қўшиқларимизга мазза қилиб рақсга тушишди.

Одил КАРИМОВ:

— Эндиликда меҳнат, тўй-маросим кўшиқлари, терма ва лапарлардан иборат бўлган фольклор кўшиқчилиги ривожига кенг йўл очилди. Воҳаларда халқ ижрочиларидан иборат «Гулёр» (Бўстонлик), «Омонёр» (Кўқон), «Бойсун» (Сурхондарё), «Чавқи» (Қашқадарё) каби кўлаб фольклор ансамбллари ташкил этилди. Бу эса ёш авлодни асрий урф-одат ва қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, неча йиллардан буюн завола тупмай келаётган бебаҳо мусиқий меросимизни асраб-авайлаб, уни келгуси авлодга қолдиришдек эзгу мақсадга хизмат қилмоқда. Мақсади-миз ана шундай эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшишдир. Бир сўз билан айтганда, кўшиқларимизда миллат руҳи намоён бўлсин.

— Бугун юртимизда санъат ва маданият соҳасига берилаётган эътибор гуруҳингиз фаолиятида қандай акс этапти?

Тўлкин ФАЙЗИЕВ:

— Маълумки, миллий қадрият ва анъаналаримиз бевосита санъат орқали ҳам намоён бўлади. Шу боис мустақиллик йилларида миллий мусиқа санъати тараққиёти янада юксак поғонага кўтарилди. Бунга гуруҳимиз фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади. Даставвал иш бошлаганимизда туман, кейинчалик вилоят бўйлаб, ундан сўнг республика миқёсида, ҳозирги кунга келиб эса хорижий давлатларда ўз санъатимизни намоёиш этишга муяссар бўлмоқдамиз. Ўтган давр ичида ижодкорларнинг ҳар томонлама кўлаб-қувватлангани, уларга турли имтиёзлар берилгани бунда муҳим омил бўлди. Албатта, бундай имконият, эътибор ва ғамхўрлик ҳар қандай санъаткорни янги марралар сари етаклайди.

— Ватани мадҳ этмаган санъаткор бўлмас керак. Ватан ҳақидаги кўшиқларни куйлаганда кўнглингиздан қандай кечинмалар ўтади?

АЛИАКБАРХОН: (Аркадий НАМ)

— Ватан ҳақида куйлаганимизда, унга мадҳиялар айтганимизда юрагимизда бир илиқлик пайдо бўлади. Айниқса, хорижий гастролларда бўлганда бунга кўпроқ ҳис этаман.

Жанубий Кореяда бўлганимизда «сиз корейсизми?» деган савол билан муурожаат қилишган эди. Ушунда «мен ўзбекман, фақат паспортда миллатим корей деб ёзилган, холос» деб жавоб бергандим. Мен ўзбекистонлик эканимдан фахрланаман.

«Сурхон» гуруҳининг бу йилги ижоди ҳам баракали келмоқда, дейиш мумкин. Гуруҳ олтига янги альбом ва клиплар тўпламини чиқарди. Хорижий гастролларда бўлди. Хусусан, Таиландда бўлиб ўтган Ўзбекистон маданият кунларида гуруҳ фаол иштирок этганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Яқинда пойтахтимиздаги «Истиқлол» санъат саройида «Сурхон» гуруҳининг йиллик ҳисобот концерти дастури намоёиш этилди.

Ҳар бир миллатнинг ўзигина намоён қилишда ундаги халқ оғзаки ижодиёти, миллий кўшиқчилик санъати алоҳида ўрин тутди. Сўхбатдошларимиз каби ижодкорлар фаолияти ўсиб келаётган ёш авлодда миллий урф-одат ва анъаналарга бўлган ҳурматни янада юксалтиришга хизмат қилади. Шундай экан, санъатда ўз йўналиши, услуби ва овозига эга, матн танлашда ҳам халқимизга хос хусусият - миллийлик, оддийлик, самимилик тамойилига амал қилувчи гуруҳ аъзоларига янада иқидий баркамоллик, омад тилаб қоламиз.

Фарҳод ЭРКИНОВ сўхбатлашди

ИМКОНИЯТ

Бош Қомусимиз — фаровон ҳаётимиз ва тараққиётимиз гаровидир

Мустақилликка эришгандан сўнг Ўзбекистон халқи мамлакатнинг бозор иқтисодиётига асосланган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш йўлини таналади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ана шу мақсадни ўзида ифода этди ва ислохотларни амалга оширишга қаратилган барча қонунлар учун асос бўлди.



Ижтимоий ҳаётимизнинг барча соҳаларида Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти ва Халқ фаровонлигини таъминлаш, мамлакатимизда инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этиш, инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликларини олий қадрият сифатида қарор топтириш, жамиятнинг демократлаштириш ва мамлакатни модернизация қилиш борасида эришилган ютуқлар Конституция билан узвий боғлиқдир.

Конституцияимизда инсон манфаатлари устунлиги гоёси ўз ифодасини топиб, бу гоёнинг бутун мазмунига сингдирилган. Дарҳақиқат, мамлакатимизда давлат бошқаруви халқ ҳокимиятичилиги принципига асосланади. Зеро, халқ ҳокимиятичилиги деганда ҳокимиятнинг фақат халққа тегишли

эканлиги, давлатнинг асосий вазифаларидан бири инсон ва жамиятнинг фаровонлигини таъминлашга қаратилган бўлиши кераклиги тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида ҳаётимизнинг барча соҳаларида амалга оширилаётган ислохотлар бундан кейин ҳам давом этади. Зеро, Президентимиз таъкидлаганидек, ислохотлар ва ўзгаришлар йўлида фақатгина эришилган марралар билан чеклиниб қолиш асло мумкин эмас. Ислохотлар ва ўзгаришлар жараёни ҳеч қачон низоҳат билмайди. Бош Қомусимиз мамлакатимизда собитқадамлик билан амалга оширилаётган янгиликларнинг демократик ислохотларнинг ҳуқуқий замини бўлиб, ҳамisha халқ манфаати йўлида янада такомиллаштириб бораверади.

Мамлакатимизда оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасида қабул қилинган қонунлар биз тадбиркорлар фаолиятини ҳар томонлама қафолатлаш учун йўналтирилганлиги улкан ютуқларимизга асос бўлмоқда. Андижон вилоятида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар, янги қурилышлар, инфратузилмани ривожлантириш учун режалаштирилган салмоқли вазифаларнинг ижросини таъ-

минлаш мақсадида олиб борилаётган ислохотларга тадбиркорлар, айниқса, халқ томонидан сайланган депутатлар Бефарқ қараб туролмайди. Шу мақсадда «Радуга гранд», «Фортна мадад» кичик корхоналарида ишлаб чиқарилаётган қурилиш материаллари сифатини яхшилаш эвазига истеъмолчилар сони кенгаймоқда. Ҳукуматимиз томонидан тадбиркорларнинг фаолиятини қўллаб-қувватлаш мақсадида умумий даромад солиқларини камайтириш, уларни турли хил ноқонуний текширишлардан муҳофазалаш мақсадида қабул қилинган қарорлар тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг умумий миллий иқтисодий ривожланиш борасидаги салмоқининг ошишига сабаб бўлмоқда.

ЎзМТДП дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасида ҳуқуқий ва иқтисодий восталарни янада такомиллаштириш орқали мамлакат ишлаб чиқарувчиларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, аҳоли турмуш даражасини оширишнинг асосий омилли сифатида иқтисодий мустақилликни мустаҳкамлашга кўмаклаш вазифалари белгилаган. Партиянинг ушбу мақсадларидан келиб чиққан ҳолда 2013 йилда ҳам мамлакат иқтисодиёти, оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига ҳисса қўшиш биз депутатлар зиммасига катта маъсулият юклайди.

Биродар ЮСУПОВ, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Андижон вилоят Кенгаши депутати

БАЙРАМ ШУКУҶИ

● **ЖАРАЁН**

Шаҳримиз янада обод, турмушимиз фаровон бўлади

ЗАРАФШОН ШАҲАР ҲОКИМИ, ОЛИЙ МАЖЛИС СЕНАТИ АЪЗОСИ, ЎЗМТДПДАН ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ НАВОИЙ ВИЛОЯТ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ИЛҲОМ ЭШМИРЗАЕВ БИЛАН СУҲБАТ

— Зарафшон шаҳри ўзининг ижтимоий-иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз иқтисодиётида салмоқли ўрин тутади.

— Дарҳақиқат, Мустақиллик йилларида мамлакатимизда давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар жараёнида зарафшонликлар ҳам муносиб иштирок этишмоқда. Айниқса, Қизилқум фосфорит мажмуасининг ишга туширилиши мамлакатимизда кон-металлургия sanoati соҳасида қўлга киритилган йирик муваффақиятлардан бири бўлди. Эндиликда бу ерда ҳар йили бир миллион тоннадан зиёд фосфорит рудаси қазиб олинмоқда. Улар хомашё билан нафақат мамлакатимиздаги минерал ўғитлар ишлаб чиқариладиган заводларни, балки чет эл корхоналарини ҳам таъминламоқда.

Сўнгги йилларда "Белан", "Доброея", Ўзбекистон-Россия қўшма корхоналари барпо этилди. Маълумки, чўл шароитида аҳоли ва sanoat корхоналарини сув билан таъминлаш

энг долзарб масалалардан бирига айланган. Мустақиллик даврида бу муаммоларга жиддий эътибор қаратилди. Ана шу давр ичида сув сақлайдиган янги захиралар барпо этилди. Амударё-Зарафшон йўналишидаги насос станцияларида кенгайтириш ишлари амалга оширилиши натижасида ушбу сув йўналишининг ўтказувчанлик қуввати 13,2 фоизга ошди.

Шаҳарда sanoat салоҳиятини ошириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга тушириш ва ана шу орқали кўплаб иш ўринларини яратиш мақсадида республика ҳукумати томонидан тасдиқланган "2010-2012 йилларда Навоий вилоятида sanoat салоҳиятини ошириш, шунингдек, истиқболсиз корхоналарни таркибий ўзгартириш, молиявий соғломлаштириш ёки тугатиш бўйича Дастур"и доирасида кенг қамровли ишлар олиб борилмоқда. Айни кунда шаҳарда 430 дан зиёд кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолият юритмоқда. Унлаб янги корхоналар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари то-

монидан барпо этилган ишлаб чиқариш қувватларининг фойдаланишга топширилиши натижасида 450 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Худудий маҳсулот ва хизматлар экспорти 427,8 минг АҚШ долларини ташкил этди.

Шаҳарда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасидаги ишлар давом эттирилиб, хизмат кўрсатиш ҳажми ўтган йилга нисбатан 17,8 фоизга ўсишга эришилди. 62 та хизмат кўрсатиш ва сервис шаҳобчалари ташкил этилди. Шунингдек, шаҳарда қабул қилинган бандлик дастури доирасида жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида 2587 та янги иш ўрни яратилди. Аҳолининг табиий газга бўлган талабини қондириш мақсадида 3,6 км. узунликдаги газ тармоқлари ишга туширилди.

Мақсадли дастурлар доирасида жами 1650,0 млн. сўм, шундан, 1062,0 млн. сўм тадбиркорларнинг ўз маблағлари ва 588,0 млн. сўм тижорат банкларининг кредитлари ҳисобидан жорий йилнинг 9 ойи давомида 17 та лойиҳа фойдаланишга топширилди. Шундан, 5



та иссиқхона, 2 та паррандачилик, 3 та озиқ-овқат маҳсулотлари, 4 та ноозик-овқат маҳсулотлари, 2 та қурилиш материаллари ишлаб чиқариш объектлари ва 1 та мини маркет фойдаланишга топширилди.

Масалан, Акрам Салимов раҳбарлик қилаётган "Мохитобон Зарафшон" масъулияти чекланган жамияти томонидан 15 сотих ерда лойиҳа қиймати 150 минг АҚШ долларлик туз қадоқлаш цехи қурилиб фойдаланишга топширилди. 10 та янги иш ўрни ташкил этилди. Ҳозирда бу цехда саломатлигимиз учун фойдали бўлган йодланган ош тузлари қадоқланмоқда. Бундай янги иш ўринларининг яратилиши натижасида аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги муаммолар муваффақиятли ҳал қилинмоқда.

Шаҳар аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондириш, ички бозорни арзон ва сифатли қишлоқ

хўжалик маҳсулотлари билан тўлдириш мақсадида шаҳримизда иссиқхона ва паррандачилик корхоналари ташкил этишга алоҳида эътибор берилиб, лойиҳа қиймати 523 миллион сўмга тенг бешта иссиқхона қурилиб, фойдаланишга топширилиши натижасида аҳоли қиш пайтларида ҳам резаван сабзавотлар билан таъминланмоқда.

Бугунги кунда Зарафшон шаҳрида олиб борилаётган ижобий ишлар натижасида Мохинур Қахрамонова, Гулноза Назарова, Гулноза Шарафова 2008-2011 йилларда Зулфия номидаги Давлат мукофоти сазовор бўлишди. Спорт соҳасида кўпгина мусобақаларда фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни эгаллаб келаётган Махлиё Тоғаева, Ойдиной Ботирова, Мохинур Қахрамонова номини алоҳида таъкидлаш мумкин. "Баҳор" маҳалла фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчиси Холита Эргашева "Энг намунали диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалари бўйича маслаҳатчиси" Республика кўрик-танловида фахрли 1-ўринни қўлга киритди.

— Сиз айни пайтда ЎЗМТДП дан сайланган халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати ва Олий Мажлис Сенати аъзоси сифатида ҳам фаолият олиб бораёпсиз.

— Бугунги кунда давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштириш борасида ишлалар тобора чуқурлаштирилиб, парламентнинг жамият ҳаётидаги мавқеи мустаҳкамланмоқда. Эндиликда Олий

Мажлис Сенати кўмиталарида, маҳаллий кенгашлар сессияларида ижро ҳокимияти раҳбарларининг, айтайлик, депутатлик сўровлари ёки бошқа масалалар юзасидан ҳисоботларини тинглаш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Бу, ўз навбатида, парламент ва депутатлик ваколати орқали барқарор жамоатчилик назоратини амалга оширишга замин яратмоқда.

Аслини олганда депутат ўзи олиб бораётган фаолият моҳиятига кўра сайловчилар билан ҳамнафас. Шу сабабли депутатлар аҳоли муурожаатларини ўрганиб, уларнинг талаби асосида ўз худудларидаги тегишли тармоқ ва корхоналар раҳбарлари ҳисоботини эшитишни йўлга қўйиб бориши айни муддаодир, деб ўйлайман. Бу табиийки, ҳар бир депутат учун ўз электорати манфаатларини ҳимоя қилиш, жойларда тўпланиб қолган муаммоларни бар-тараф этиш, аҳоли турмуш фаровонлигини оширишда фаол қатнашиш учун замин яратади.

Агар эътибор қилган бўлсангиз, муҳтарам Юртбошимиз томонидан илгари сурилган Концепция парламент ва маҳаллий Кенгашлар нуфузини, масъулиятини оширишга ҳам қаратилган. Хусусан, парламент ва жамоатчилик назорати механизмини шакллантириш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Бир сўз билан айтганда, бугун ҳар бир юртдошимиз мамлакатимизда олиб борилаётган ишлаларда бевосита иштирок этиши керак. Юрт тинчлиги, Ватан тараққиёти, Халқ фаровонлигини мақсад қилиб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ҳар

бир аъзоси юксак мақсад йўлида доимо олдинги сафда бўлишига ишонаман.

— Шаҳарда 2013 йилда амалга ошириладиган ишлар ва белгиланаётган режалар ҳақида ҳам тўхталсангиз.

— Маълумки, республикамиз Президенти Ислам Каримов кириб келаётган янги 2013 йилга "Обод турмуш йили" деб ном бердилар. "Обод деган сўзнинг маъносини биз жуда кенг ва чуқур тушунамиз, - дея таъкидлади давлатимиз раҳбари. — Обод деганда, халқимиз, миллатимиз нафақат кўркам ва чиройли, шу билан бирга, тинчлик ва осойишталик, ўзаро меҳр-оқибат, аҳиллик, файзбаракат ҳукмрон бўлган жойларни, доимо пок ният ва соғлом интилиш билан яшашни тасаввур қилади". Биз ҳам келгуси йилда ана шу йўналишда амалга ошириладиган ишларимизни режалаштиришга киришдик.

Бундан ташқари, 2013 йилда шаҳарда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига юзлаб янги иш ўринлари яратилади. Қолаверса, зарафшонликларнинг шаҳримизни боғларга бурқаш учун барпо этаётган майдонлари янада кенгайди. Шаҳримизни ҳар томонлама обод қилиш, орзу-ниятларимизни амалга ошириш йўлида барча куч ва имкониятимизни сарфлаймиз. Бизнинг бош мақсадимиз бўлсин инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш йўлида янада фаол ва муносиб иштирок этамиз.

Суҳбатдош:
Эркин ДОРИПОВ,
"Milliy tiklanish" мухбири



"ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ
АНДИЖОН ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ
Юртимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтириш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган барча юртдошларимизни

Янги 2013 йил

билан қизғин табриклайди.

Янги —
"ОБОД ТУРМУШ ЙИЛИ"
МУБОРАК БЎЛСИН!



ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТ ҒЎЗА УРУҒЧИЛИГИ
БИРЛАШМАСИ ЖАМОАСИ



2013

Янги йил билан бутун Ўзбекистон халқини ва юртимиз меҳмонларини муборакбод этади. Барчага мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, омад ва бахт ёр бўлсин.



РЕКЛАМА ЎРНИДА



Ҳурматли юртдошлар!

**“АСАКА” давлат-акциядорлик тижорат банки
(очик акциядорлик жамияти) жамоаси**

*Сизларни яқинлашиб келаётган 2013 йил билан табриклайди ва қуйидаги
миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:*

«Янги йил 2013»

Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар олдиндан ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади

Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин
Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари:
120-39-81, 120-39-60, 120-39-63.

Филиаллар	Код	Телефон
Тошкент шаҳар филиали	371	120-83-13
Автотранспорт филиали	371	120-39-95
Шайхонтохур филиали	371	140-39-36
Юнусобод филиали	371	221-80-67
Сирғали филиали	371	258-67-49
Тошкент вилоят филиали	371	120-84-13
Андижон вилоят филиали	374	224-40-96
Асака филиали	374	233-13-69
Фарход филиали	374	226-97-53
Фаргона вилоят филиали	373	224-70-83
Марғилон филиали	373	237-12-37
Олтиариқ филиали	373	432-10-11
Кўкон филиали	373	552-61-04
Наманган вилоят филиали	369	226-94-75
Навоий вилоят филиали	436	223-54-32
Зарафшон филиали	436	573-18-78
Бухоро вилоят филиали	365	223-71-94
Бухоро шаҳар филиали	365	770-11-27
Самарқанд вилоят филиали	366	231-08-86
Афросиёб филиали	366	221-77-56
Қашқадарё вилоят филиали	375	221-12-93
Сурхондарё вилоят филиали	376	770-82-12
Қорақалпоғистон филиали	361	770-60-59
Хоразм вилоят филиали	362	226-97-78
Сирдарё вилоят филиали	367	225-44-03
Жиззах вилоят филиали	372	226-43-11

“Асака” банк (ОАЖ) сармоянгаининг сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди
Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди
томонидан кафолатланади

Сизнинг омонатларингиз:
— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
— эгаллик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
— миқдори чекланмаган!

Хизматлар лицензияланган

Ўзингни ўз қобилиятингдан устун қўйишинг ҳам,
ўзингни камситишинг ҳам ярамайди.

Сени ким деб ҳисоблашлари эмас, аслида кимлигинг муҳимдир.

РИВОЯТ

Илм талаб шоғирд бир куни устозидан сўради:
— Устоз, адолатнинг мезони борми?
Устоз шундай жавоб берди:
— Тенглик ва ҳақиқатга таянмоқ адолатнинг бош мезонидир. Бунинг маъноси шуки, одамларни хулқ-атвориға, қилаётган ишларига бир хил муносабатда бўлмоқ керак. Масалан, кўполлиги учун кимнидир койиб, бошқа бировни эса мақташ, тенгликни демаски, адолатни бузади.
— Адолат бузилса қандай оқибатларга олиб келади?,- деб сўради шоғирд.
— Бу мезон бузилса, энг аввало, жамоада бирлик, яқдиллик йўқолади. Ғийбат, иғво кўпаяди. Охир-оқибат шу жойдан хайр-бароқа кўтарилади ва одамлар бошига кўп ташвишлар олиб келади. Шу боис, одамларга муносабатда шахсий манфаатга эмас, доимо адолат ва ҳақиқатга таянмоқ лозим.

БИЛАСИЗМИ?

Буюк Британияда антика шоколад ўйлаб топишди. Бу шоколад +40°C да ҳам эримайди. Иссиқ ўлкаларга мўлжалланган шоколад рецепти Бирмингем олимлари томонидан каттиқ сир тутилмоқда.


2012 йил декабрь ойида 5 марта шанба, якшанба ва душанба кунларига гувоҳ бўлдик. Бунақаси 824 йилда бир марта кузатилади.

ТУРФА ОЛАМ

Тезкор сканер

**ЯПОНИЯЛИК МУТАХАССИСЛАРНИНГ УЗОҚ
ЙИЛЛИК ИЗЛАНИШЛАРИ НАТИЖАСИДА
ЯРАЛГАН АППАРАТ БИР ДАҚИҚА ИЧИДА
200 БЕТНИ СКАНЕР ҚИЛА ОЛАДИ.**

Ёдингизда бўлса, бундан бир неча йил аввал интернетда Токио университети олимлари томонидан бир дақиқада бутун бошли китобни сканер қила оладиган аппарат кашф этилгани ҳақида хабар берилган эди. Тадқиқотчилар ўшандан буюн қурилма имкониятларини янада яхшилашга муваффақ бўлишди. Эндиликда BFS-Auto деб номланган аппарат бир дақиқада 200 бетни бемаълос сканер қилиши мумкин. Маълум бўлишича, мутахассислар саҳифаларни тез варақлаш тизими воситасида ана шундай натижага эришган.



Энг узун хат

**ҚОРБОБО ЁХУД САНТА-КЛАУСГА
ОДАМЛАРНИНГ ДИЛ НОМАЛАРИ ЁЗИЛГАН
ХАТ УЗУНЛИГИ БЎЙИЧА РЕКОРД ҚЎЙДИ.**

Янаям аниқроғи, MINI компаниясининг “MINI Санта-Клаус ёнига кетмоқда” лойиҳаси Гиннеснинг Рекордлар китобидан жой олди. Компания вакиллари шимолий кутубга йўл олиб, Санта-Клаусни топишди. Саккизта MINI автомобилдан иборат экспедиция хатни Сантага етказиш учун бутун Европани кезиб, Финляндиядаги Санта-Клаус қишлоғи яқинида жойлашган Рованиеми шаҳрига етиб келдилар. Бу ерда Санта-Клаусга компания савдо белгисининг 75954 мухлислари ёрдамида ёзилган энг узун дил номалари топширилди. Шу тариқа ҳақиқий рекорд натижа ўрнатилди. Мазкур лойиҳада дунёнинг 16 та давлатида истиқомат қилувчи катта-ю кичик иштирок этди. Истаклар хати 3798,5 метрни ташкил этди.

3.ЗОИРЖОНОВ тайёрлади

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партия Марказий Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ўзМТДП Дастурий мақсадлари ва депутатлик бирлашмалари фаолиятини тарғиб қилувчи китоб нашр қилиш учун тендер эълон қилади.

**Мурожаат учун телефонлар:
244-65-16, 239-45-53 (факс)**

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Тошкент вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси девони ўзМТДП Бекобод шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раиси Муҳаммадий Сангиновнинг онаси

Мушарраф ая ЖАББОРОВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Кўмитаси ўзМТДП Жиззах шаҳар Кенгаши Ижроия Кўмитаси раисининг ўринбосари

Ҳабиба ҚУРБОНБОВЕВанин

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.